



O'zbekiston Respublikasi
IIV nashri

ҚОНУНИЙЛИК ВА ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ УЧУН!

POSTDA



Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan • E-mail: postda@evo.uz • 2015-yil 24-yanvar, shanba • № 04(4105)

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА СЕНАТИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИ

Хурматли депутатлар!
Муҳтарам сенаторлар!
Қадрли дўстлар!
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига бўлиб ўтган сайловда эришган ғалабангиз билан, халқимиз томонидан кўрсатилган юксак ишонч билан сизларни табриклаш, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, фаолиятингизда янги омадлар тилашга руҳсат бергайсиз.

Бўлиб ўтган сайловларни кузатишда иштирок этган 70 мингдан ортиқ маҳаллий ва 340 дан зиёд чет эллик кузатувчилар, нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари ва аксарият кўпчилигининг фикрича, **бу сайловлар очиқлик ва ошқоралик шароитида, халқаро ҳуқуқ нормалари ва стандартларига тўла мувофиқ равишда ўтди.**

Мазкур сайловлар авваламбор жамоатчилигимиз, халқимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, сиёсий партиялар, фуқаролик институтларининг обрў-эътибори ва нуфузи, етуклик даражаси сезиларли равишда ошганини кўрсатди.

Шу билан бирга, ўтказилган сайловлар мамлакатимизда демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришга қаратилган, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш мақ-

садида ҳаётимизга жорий этилаётган демократик ўзгариш ва ислохотларнинг амалий натижаларини намойиш этди.

Буларнинг барчасини сайловларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш жараёнининг ўзи, уларнинг яқунлари ҳам яққол тасдиқлаб турибди. Бўлиб ўтган сайловларда 18 миллион 500 мингга яқин фуқаро ёки сайловчиларнинг 88,9 фоизи иштирок этди.

Шуниси диққатга сазоворки, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг сайловолди кураши кескин ўтган 135 та сайлов округининг 22 тасида биринчи босқичда номзодлар етарлича овоз ололмади ва бу округларда такрорий овоз беришни ўтказишга тўғри келди. Бу эса сайловларнинг демократик асосда ўтказилганидан далолат беради.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ва жойлардаги барча сайлов комиссияларига, сайловларнинг қонунларга, Конституциямиз нормалари, умумэтироф этилган халқаро демократик принцип ва талабларга мос равишда ўтиши учун куч-ғайратини сафарбар этган минглаб фаолларга миннатдорлик билдираман.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси
ва Сенатининг қўшма ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА СЕНАТИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ВАЗИФАЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасини эшитиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИЛАР:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг маърузасидаги асосий устувор йўналишлар қўллаб-қувватлансин.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати раҳбариятига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маърузаси юзасидан палаталарнинг маърузада қўйилган вазифаларни ўз фаолиятларининг аниқ йўналишларига мувофиқ амалга оширишга қаратилган алоҳида кенг камровли қарорини қабул қилиш таклиф этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг Спикери
Н. ИСМОИЛОВ

Тошкент шаҳри,
2015 йил 23 январь.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг Раиси
Н.ЙЎЛДОШЕВ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ НОМЗОДИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. **Мирзиёев** Шавкат Миромонович Ўзбекистон Республикаси Бош вазири этиб тасдиқлансин.
2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилсин.
3. Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг Спикери
Н.ИСМОИЛОВ

Тошкент шаҳри,
2015 йил 23 январь.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ НОМЗОДИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. **Мирзиёев** Шавкат Миромонович Ўзбекистон Республикаси Бош вазири этиб тасдиқлансин.
2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилсин.
3. Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Сенатининг Раиси
Н.ЙЎЛДОШЕВ

Тошкент шаҳри,
2015 йил 23 январь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА СЕНАТИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Тошкент шаҳрида 23 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди. Йиғилишда Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, идоралар ва ташкилотлар раҳбарлари, мамлакатимизда аккредитация қилинган дип-

ломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари, маҳаллий ва чет эл оммавий ахборот воситаларининг мухбирлари қатнашди.

(Давоми 4-бетда).

«Намунали милиция таянч пункти» кўрик-танлови



Юртимиз тинчлик-осойишталигини сақлаш, маҳаллаларимиз фаровонлиги, турмушимиз ободлигининг таъминланишида жойларда хизмат қилаётган профилактика инспекторларининг ҳиссаси катта. Шунинг учун ҳам уларнинг фаолиятига Юртбошимиз ва ҳукуматимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилган.

Профилактика инспекторларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлик, ҳамжихатликда фаолият олиб



ШАРАФЛИ ХИЗМАТ ЭЪТИБОРДА

бораётгани алоҳида аҳамиятга эга. Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Намунали милиция таянч пункти» республика кўрик-танловида ҳам ана шу ҳамкорликнинг натижалари ҳисобга олинапти.

Кўрик-танловнинг Тошкент шаҳар босқичи республика ИИБ Маданият саройида бўлиб ўтди. Оркестр садолари остида мухташам саройга Тошкент шаҳар ИИББ, ҳуқуқ-тартибот идоралари, соҳавий хизматлар ҳамда давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарияти вакиллари, шунингдек оммавий ахборот воситалари ходимлари ташриф буюришди.

(Давоми 7-бетда).

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА СЕНАТИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИ

(Давоми.
Бошланиши 1-бетда).

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, кўпгина давлатларнинг миллий сайлов комиссиялари вакиллари, хорижий мамлакатлардан келиб қатнашган сиёсатчи ва кузатувчиларга ўз номидан, халқимиз номидан алоҳида чуқур миннатдорлик билдириш барчамизга катта мамнуният етказди.

Хурматли дўстлар!

Бугун Олий Мажлисимизнинг аввалги таркиби фаолиятига яқун ясар эканмиз, холисона таъкидлашимиз даркор – парламентимиз томонидан амалга оширилган ишлар демократик ислохотларни ҳаётимизга жорий этишда, фуқаролик жамияти қуриш йўлида қўйган қадамларимизда муносиб ҳисса бўлди, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Ўтган давр мобайнида ҳаммаси бўлиб 140 дан ортиқ қонун ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Олий Мажлис томонидан 2010 йилнинг ноябрь ойида қабул қилинган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси, ҳеч шубҳасиз, бизнинг эртанги кунимизни белгилаб берадиган, ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий ислохотларимизнинг Стратегик дастурига айланди.

Концепция доирасида бугунги кунгача қабул қилинган 27 та қонун, уларни кенг миқёсда муҳокама этиш ва қабул қилиш жараёнининг ўзи давлат ҳокимияти ва бошқаруви янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, суд ҳокимияти мустақиллигини, сўз ва ахборот ҳамда сайлов эркинлигини таъминлаш, сайлов тизими ва фуқаролик институтларини ривожлантиришда муҳим омил ва катта амалий ҳисса бўлди.

Мазкур Концепцияга мувофиқ, 2011 йилда ва 2014 йилда Конституциямизга киритилган тузатишлар, давлат қурилиши соҳасида қабул қилинган бошқа қатор қонунчилик ҳужжатлари давлат ҳокимиятининг асосий субъектлари – Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис, мамлакат ҳукумати ваколатларини, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ўртасида ўзаро тийиб туривчи ва манфаатлар мувозанати механизмларини янада ривожлантириш ва оптималлаштиришни таъминлади.

Давлат ҳокимияти тизимида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва жойлардаги вакиллик органларининг ролини сезиларли равишда ошириш, ҳукумат, ижро ҳокимияти органларининг мустақиллиги ва ваколатларини кенгайтириш ва айни пайтда қабул қилинган қонунларнинг бажарилиши ва таъсирчанлигини янада кучайтиришга имкон яратди.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасини демократик асосда янада ислоҳ этиш, мустаҳкамлаш ва эркинлаштириш бўйича амалга оширилаётган тизимли ишларда парламентнинг алоҳида ўрин тугганини таъкидлаш зарур.

Ана шу даврда парламент томонидан қабул қилинган 30 га яқин қонунчилик ҳужжатлари қонун устуворлигини таъминлаш, суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимининг самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлди.

Парламент фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, оммавий ахборот воситаларининг мустақиллигини мустаҳкамлашга ҳам салмоқли ҳисса қўшди. Бу соҳада қабул қилинган ўнга яқин қонунчилик ҳужжатлари, жумладан, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири, «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, жамиятимизда манфаатлар мувозанатини таъминлаш каби энг муҳим вазифаларни ҳал этишда фуқаролик институтларининг роли ва аҳамиятини янада кучайтирди.

Шу борада Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг фаолиятини алоҳида қайд этишни истардим. 2008 йилда Қонунчилик палатасида ушбу ҳаракат вакилларига ўн бешта депутатлик ўрнини ажратиш ҳақида қабул қилинган қарор нақадар тўғри бўлганини ҳаётнинг ўзи тасдиқлади.

Сўнгги йилларда мазкур ҳаракатнинг Қонунчилик палатасидаги депутатлар гуруҳи соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, табиий ресурслардан оқилана фойдаланиш, бу соҳага фуқаролик институтларини фаол жалб қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлган

9 та қонун, хусусан, «Экологик назорат тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш ташаббуси билан чиқди.

Парламент томонидан демократик ва бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, иқтисодий эркинлаштириш ва таркибий ўзгартириш, кичик бизнес, тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини кенг ривожлантириш учун муҳим асос бўлиб хизмат қилаётган 30 дан ортиқ қонунчилик ҳужжати қабул қилинди.

Бугунги кунда Олий Мажлис ҳар йили, ҳукумат тақдимномасига кўра, иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини кўриб чиқиб, тасдиқламоқда, унинг ҳаётга татбиқ этилиши устидан парламент назоратини олиб бормоқда. 2014 йилги дастурни амалга ошириш натижасида мамлакатимизда 980 мингдан ортиқ, жумладан, ёшлар, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун янги иш ўринлари ташкил этилди.

Бир сўз билан айтганда, ўтган даврда яратилган мустаҳкам меъёрий-ҳуқуқий база айниқса дунёда ҳали бери давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз шароитида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор суръатлар билан ривожлантиришнинг муҳим омилга айланди. Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари сўнгги 10 йилда дунёдаги санокли давлатлар қаторида 8 фоиздан кам бўлмасдан келмоқда. Шу билан бирга, санаот ишлаб чиқариши, инвестициялар ҳажми ва аҳолининг реал даромадлари жадал равишда ўсиб бормоқда.

Бундай натижалар билан ҳар қанча фахрлансак арзийди, албатта.

Олий Мажлис палаталарининг қонун ижодкорлигини амалга ошириш бўйича янги, замонавий фаолият шакллари жорий этишга қаратилган ишларини алоҳида қайд этиш жоиз.

Қонунчилик палатаси томонидан «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасини синовдан ўтказиш бўйича биринчи марта ҳуқуқий тажриба амалга оширилди. Хорижий экспертларнинг фикрига кўра, ноёб хусусиятга эга бўлган ушбу тажриба сифатли, ҳаётнинг бугунги талабларига жавоб берадиган қонунчилик ҳуж-

жатларини тайёрлаш ва қабул қилишнинг замонавий усулларини синаб кўриш имконини берди.

Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтини ўз вақтида ташкил этганимиз парламент фаолияти самарадорлигини оширишга катта ҳисса бўлиб қўшилганини қайд этмоқчиман. Мустақил тузилма бўлган мазкур институт қонунчилик, қонун ижодкорлиги фаолиятини сифат жиҳатдан яхшилашга жиддий таъсир кўрсатмоқда.

Институт томонидан амалдаги қонунчиликни қиёсий таҳлил қилиш, қонун ижодкорлиги соҳасидаги хорижий тажрибани ўрганиш бўйича олиб борилаётган ишлар алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ҳеч шубҳасиз, бу ишлар қонун ижодкорлиги борасида олдимизда турган вазифаларни самарали ҳал этиш имконини беради ва уларни янада ривожлантиришни, бунинг учун зарур ташкилий-техник шароитларни яратишни талаб қилади.

Биз бундан роппароса ўн йил олдин таркибида депутатлар доимий равишда, профессионал асосда ишлайдиган Қонунчилик палатаси ва шунингдек, ҳудудий вакиллардан иборат қонунчилик органи бўлмиш Сенат фаолият кўрсатадиган икки палатали парламентни ташкил этишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эдик. Бугун ана шу мақсадимиз тўлиқ рўёбга чиқди, деб ишонч билан айтишимиз мумкин. **Натижада қабул қилаётган қонунларимиз сифати сезиларли даражада ошди, минтақалар, тармоқлар ва давлатнинг умумий манфаатлари мутаносиблиги тобора самарали таъминланмоқда.**

Айни пайтда биз парламент фаолиятини замонавий талабларни инобатга олган ҳолда тубдан яхшилаш, қонун ижодкорлиги ва қонунчилик фаолияти сифатини оширишни мақсад қилиб кўяра эканмиз, **Олий Мажлиснинг ўтган даврдаги фаолиятини холисона баҳолаб, кўзга ташланадиган камчилик ва жиддий нуқсонлар устида алоҳида тўхталиб ўтишни зарур, деб биламан.**

Нега деганда, йўл қўйилган камчилик ва хатоларни тан олмасдан, иқдор бўлмасдан туриб, уларни йўқ қилиш оғир кечади.

Биринчидан. Олий Мажлисимиз қонунни, ҳуқуқни қўллаш амалиётига етарлича эътибор бермаётганини эътироф этиш керак.

Қонунлар қабул қилиниши билан ҳаётимизда нима ўзгарди, улар тараққиётга, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, суд-ҳуқуқ ислохотларининг боришига қандай таъсир кўрсатди, деган саволларга камдан-кам эътибор берамиз.

Масалан, биз қонунчиликни эркинлаштириш ҳақида кўп гапирамиз. Шу билан бирга, одамлар ўз ҳаётида бундай эркинлаштириш жараёнини қандай ҳис этаётганига, бу ҳақда журналистлар, шарҳловчилар нима-ларни гапираётганига қараб, бу ишларнинг натижасига энг аниқ баҳо бериш мумкин.

Айни вақтда шуни ҳам тан олишимиз керакки, қабул қилинаётган қонунлар одамлар ҳаётига, сиёсий, иқтисодий тараққиётга қандай таъсир кўрсатаётгани ҳақида жойлардан келиб турадиган, парламентга ўз фаолиятини янада такомиллаштириш имконини берадиган ахборот алмашиш механизми деярли ишламаяпти.

Шу боис Олий Мажлис палаталарининг қонунчилик фаолиятини тартибга соладиган ҳуқуқий ҳужжатларда қонунларни ижрочиларга етказиш ва шунингдек, ҳуқуқни қўллаш ва амалга ошириш самарадорлигини албатта ўрганишни ва шу асосда парламент палаталарининг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил ишлари дастурларига зудлик билан тузатишлар киритишни кўзда тутадиган меъёрий-ҳуқуқий механизмларни мустаҳкамлаш – бугунги кунда долзарб вазифага айланиши даркор.

Иккинчидан. Ўрганишлар натижалари шуни кўрсатмоқдаки, кўпинча қабул қилинаётган қонунлар, уларга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар ишламаяпти. Бунинг сабаби, биринчидан, ушбу қонунларда улардаги нормаларни амалга ошириш бўйича аниқ механизмлар ишлаб чиқилмагани билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, мазкур қонунларнинг самарали ишлашига ёрдам берадиган тегишли қонунчилик ҳужжатлари чиқарилмаётганида бўлиб, уларсиз эса бу қонунларда белгиланган қоидалар умуман ишламаётганини англаб олишимиз даркор.

(Давоми 3-бетда).

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА СЕНАТИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИ

(Давоми.

Бошланishi 1-2-бетларда).

Энди ўзимизга бир савол бериб кўрайлик: парламентимиз қабул қилишни «яхши кўрадиган», ижро механизмларига эга бўлмаган қонунлар нима учун «хавода осилиб, муаллақ бўлиб» қолмоқда? Нима учун улар манتيкий якунига етказилмапти, ҳуқуқни қўллаш босқичигача олиб борилмапти?

Ўйлайманки, бу борадаги асосий сабаблардан бири шуки, биз қонунларни қабул қилар эканмиз, уларни ишлаб чиқиш жараёнидаёқ кўйишимиз керак бўлган саволни, яъни бу қонунга реал ҳаётда қай даражада эҳтиёж бор ва у қанчалик самарали ишлайди, деган саволни ўз олдимизга кўймаймиз. Бу эса қонунчилигимизда такрорлар ва зиддиятлик ҳолатларнинг учраб туришига, унинг самардорлиги пасайишига сабаб бўлмоқда.

Шу ўринда бир мисол келтирмоқчиман. 2014 йилнинг май ойида Концепцияга мувофиқ «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»-ги қонунни янги таҳрирда қабул қилдик. Очик тан олиш керак, корпоратив бошқарув соҳасида муҳим ҳужжат бўлган бу қонун ҳалигача тўлиқ ишлагани йўқ.

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, акциядорлар, авваломбор, акцияларнинг миноритар эгалари ўз ҳуқуқларидан тўлиқ фойдаланмапти, улар акциядорлик жамиятлари фаолиятига таъсир кўрсатмапти.

Бунинг асосий сабабларидан бири шуки, ҳуқуқнинг бошқа соҳалари, хусусан, маъмурий, жиноят, хўжалик қонунчилигида ушбу қонун қабул қилиниши билан бир пайтнинг ўзида унинг ижросини таъминлайдиган маъмурий-ҳуқуқий, суд-ҳуқуқ механизмлари кўзда тутилмаган. Хусусан, акциядорларнинг ҳуқуқларини бузгани учун мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги белгиланмаган.

Айни пайтда корпоратив бошқарув тизими ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, уларнинг қонунчилигида жавобгарлик, суд ҳимояси корпоратив муносабатлар ва улар билан боғлиқ тартиб-таомилларнинг деярли барчасини қамраб олган.

Бир ҳақиқат ҳаммамизга аниқ ва равшан бўлиши керак – бозор ишхотларини чуқурлаштириш соҳасида қабул қилинаётган чора-тадбирлар, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида биз қонунларимизда белгилаб кўяётган рағбатлантирувчи омилар, преференциялар қачон ишлайди? Қачонки ҳуқуқнинг юқорида қайд этилган бошқа тармоқларига тегишли бўлган ҳуқуқий институтлар, аввало, суд-ҳуқуқ соҳасининг таъсир кўрсатиш механизмлари билан мустаҳкамлаб кўйилган тақдирдагина улар ўз самарасини беради.

Ҳозирги шароитда тўғридан-тўғри таъсир кўрсатадиган қонунлар, кодификация қилинган қонунчилик ҳужжатларини қабул қилиш, янги қонунларда белгиланган қоидаларни тўлиқ рўёбга чиқаришни таъминлайдиган қонуности ҳужжатларини ўз вақтида эълон қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Ана шу масалаларнинг барчаси Олий Мажлис палаталарининг доимий диққат-эътиборида бўлиши даркор. Такрор ва такрор айтишни зарур деб биламан – биринчи навбатда, айнан қонун қабул қиладиган олий қонунчилик органи нафақат бу қонунларнинг сўзсиз бажарилишидан, айти пайтда уларнинг бир-бирига зид келиб қолмаслиги, қонунчиликнинг аниқ тизимга асосланиши, умуман, ҳуқуқий тартибга солиш тизимининг мукамал бўлишини таъминлашдан манфаатдор бўлиши зарур.

Учинчидан. Қонун лойиҳаларини давлат бошқаруви, фуқаролик жамияти институтларининг турли бўғинларида кенг ва амалий муҳокама қилишни таъминлаш муҳимдир. Айтиш керакки, биз бу иш билан деярли шуғулланмаймиз ёки номигагина шуғулланамиз.

Бунинг сабаблари жуда кўп. Балки бундай муҳокамалар чоғида қонун лойиҳаси янги қоидалар билан кенгайиб кетишидан ва бу қоидалар асосида қонун лойиҳасини ўзгартириш, уни қайта ишлашга тўғри келишидан кўрқармиз? Шу билан бирга, бу масалада қонун лойиҳасини ишлаб чиқувчиларнинг ўзига бино кўйиши, про-

фессинал даражасининг пастлиги ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Ҳеч кимга сир эмас, амалиётчилар тажрибаси кўпроқ бўлгани учун қонунларнинг моҳиятини қонун чиқарувчилардан кўра яхшироқ билади. Ишимиз самарали бўлиши, қонунчиликнинг сифати ва таъсирчанлигини ошириш учун олимлар, юқори малакали мутахассис ва экспертларни кенг жалб этган ҳолда, қонун лойиҳасини албатта атрофлича муҳокама этиш шарт, деб ўйлайман.

Қонунлар лойиҳалари, айниқса, аҳолининг ҳаётини муҳим манфаатлари, ижтимоий ҳуқуқларига бевосита дахлдор бўлган қонунчилик ҳужжатлари муҳокамасига институтлари вакилларини ҳам кенг жалб этиш лозим.

Авваломбор, сўз мамлакатни бошқаришда фуқароларнинг иштирокини ҳар томонлама кучайтириш ҳақида бормоқда. Давлат бошқаруви асосини қонунлар ташкил этар экан, қонун ижодкорлиги соҳасида фуқаролик жамияти институтлари фаол иштирок этиши зарур. Шу муносабат билан бу борадаги ишларнинг очиклигини таъминлаш, жамоатчиликни парламент палаталарининг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолиятидан ҳар томонлама хабардор қилиб бориш муҳим вазифа бўлиб хисобланади.

Тўртинчидан. Қонун лойиҳаларини хорижий ҳуқуқий амалиёт билан ҳар томонлама чуқур қиёсий таҳлил қилиш асосида уларни муҳокама этиш, тайёрлаш ишларини сифат жиҳатидан янада юқори босқичга кўтариш даркор. Тан олишимиз керак, биз бу масалага ҳам етарлича эътибор бермаепмиз.

Демократик давлатларнинг қонун ижодкорлиги тажрибасини ўрганишга, шунингдек, тайёрланаётган қонун лойиҳаларини ривожланган хорижий мамлакатларда қабул қилинган шундай қонунлар лойиҳалари билан қиёсий таҳлил қилишга бағишланган турли конференция ва семинарлар, давра суҳбатларини ўтказиш муайян қонун лойиҳасини ва умуман, қонунчилигимизни бойитиш учун янги материалга эга бўлиш имконини беради. Айнан шу сабабдан бундай тадбирлар биз учун қонун ижодкорли-

ги фаолиятини такомиллаштиришда самарали воқеа бўлиши даркор.

Юқорида баён қилинган ана шу фикрлар, ўз навбатида, парламентда олиб борилаётган таҳлилий ишлар самарадорлигини, депутатларнинг тайёргарлик, хабардорлик ва малака даражасини, бошқача айтганда, профессионал савиясини сезиларли равишда оширишни тақозо этади. Шу муносабат билан депутатларнинг профессионал даражасини мунтазам ошириш Олий Мажлисининг келгуси беш йилдаги бутун фаолияти давомида энг муҳим йўналишга айланиши даркор.

Бешинчидан. Қонунчилик палатаси фаолиятида сиёсий партиялар фракцияларининг ўрни ва аҳамиятини янада ошириш, кўппартиявийлик тизимини изчил ривожлантириш ҳам муҳим вазифалардандир.

2007 йилда қабул қилинган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги конституциявий қонуннинг бу борадаги аҳамиятини таъкидлашга барча асосларимиз бор.

Мазкур қонунда фракцияларнинг ҳуқуқий мақоми, жумладан, парламентдаги кўпчилик ва парламентдаги муҳолифат мақоми, уларнинг алоҳида ҳуқуқлари ва фаолияти самарадорлигининг кафолатлари аниқ белгиланган. Жойлардаги давлат бошқаруви органлари фаолиятини назорат қилиш бўйича ҳокимият вакиллик органларида депутатлар гуруҳларининг роли сезиларли равишда оширилган. Қонундаги шу ва бошқа қатор муҳим қоидалар мамлакатимизда амалдаги кўппартиявийлик тизимини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга катта таъсир кўрсатди.

Олий Мажлис – парламентимизда ва маҳаллий вакиллик органларида фракциялар ёки айрим депутатлар ўртасида доимо фикрлар қарама-қаршилиги, мунозаралар бўлиши керак, айнан шу ерда сиёсий партияларнинг дастурий мақсадлари, манфаатлари ифода этилиб, депутатлар ўз фикрларини илғай сурайдиган кучли баҳс ва рақобат бўлиши муҳим аҳамиятга эга.

Баҳс-мунозаралар, гоёя ва дастурлар, муқобил қонун лойиҳалари ўртасидаги ра-

қобат энг муҳим, принципиал ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муаммолар бўйича ҳақиқий профессионал асосда амалга оширилиши лозимлигини барчамиз тушунамиз, албатта.

Олтинчидан. Сиёсий фракциялар ҳамда депутатларнинг фаоллиги, ташаббускорлиги ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Ўтган беш йил мобайнида парламент томонидан қабул қилинган 140 дан зиёд қонуннинг атиги 19 таси Қонунчилик палатаси депутатлари ташаббуси билан қабул қилинганлиги қониқарли, деб бўлмайди. Қолаверса, ана шу қонунларнинг бор-йўғи 3 таси янги қонунчилик ҳужжатлари бўлиб, 16 таси амалдаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш билан боғлиқ, асосан юридик-техник хусусиятга эга бўлган қонун ҳужжатларидир.

Бугунги шароитда фракциялар ва депутатларнинг мамлакатимиз учун зарур бўлган қонунларни ишлаб чиқишда ташаббус кўрсатиш ва уларни қабул қилиш бўйича фаолиятини принципиал жиҳатдан қайта кўриб чиқиш керак, десам, ўйлайманки, бу фикрга сизлар ҳам қўшилиасиз. Фракциялар ва депутатлар фаолияти янада фаол ва мазмунли бўлиши, ўз сиёсий партиялари ва уларнинг электроти манфаатлари ҳамда кўрсатмаларини ҳисобга олган ҳолда йўлга қўйилиши лозим.

Айни пайтда партия ва фракцияларнинг у ёки бу қонун бўйича позицияси, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётнинг муҳим масалаларига доир фракциялараро баҳс-мунозаралар мазмун-моҳиятидан кенг жамоатчилик ва сайловчиларни ҳар томонлама тўлиқ хабардор қилиб бориш даркор. Ҳокимият, халқ ҳокимияти ва парламентаризмни демократик асосда ташкил этишнинг моҳияти ҳам шундан иборат.

Ана шу масалада оммавий ахборот воситаларининг фаоллиги ҳам талаб даражасида эмаслигини таъкидлаш ҳам, ўйлайманки, ортиқча бўлмайди.

Айрим депутатларнинг оммавий ахборот воситалари ва телевидение вакиллари билан мулоқотдан ўзини тортиш ҳолатлари ҳам, афсуски, учраб туради.

(Давоми 4-бетда).

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА СЕНАТИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИ

(Давоми.

Бошланиши 1-2-3-бетларда).

Еттинчидан. Конституциявий ислохотлар нуқтаи назаридан Олий Мажлис палаталари ва энг аввало, фракцияларнинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш, қабул қилинаётган қонунлар, муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий давлат дастурларининг ижросини сўзсиз таъминлаш борасидаги фаолияти сифат жиҳатидан янги асосда қурилиши лозим.

Ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, ўтган беш йилда ҳар икки палата томонидан турли давлат бошқаруви органларига айрим ижтимоий масалалар бўйича атиги 7 та сўров юборилган. Янги конституциявий шароитда парламент эшитувлари, ҳукумат аъзолари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг қонунчилик талабларининг ижроси бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларини тизимли равишда эшитиб бориш, депутатларнинг сўровларига атрофлича жавоб қайтаришни таъминлаш парламентнинг кундалик иши бўлмоғи зарур.

Депутатларнинг сайловчилар билан ишлашини тубдан яхшилаш, палаталар фаолиятига парламент назоратининг замонавий усулларини татбиқ қилиш, жумладан, давлат бюджетини шакллантириш ва мамлакатимизнинг ушбу муҳим иқтисодий ҳужжати ижросини назорат қилишнинг замонавий усулларини жорий этиш муҳим вазифалардан биридир.

Олий Мажлис палаталари томонидан назорат вазифасини амалга оширишнинг ана шу ва бошқа қатор шакллари ҳамда усулларини «**Парламент назорати**

тўғрисида»ги қонунда тизимли ва аниқ мустақамлаб қўйиш зарур. Бугунги кунда ушбу қонун лойиҳаси мамлакатимиз экспортлар ҳамжамияти томонидан кенг муҳокама қилинмоқда.

Саккизинчидан. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг ўзаро ҳамкорлиги самарасини янада ошириш масаласи эътибор марказимизда туриши шарт.

Бу ҳақда сўз юритганда, парламентнинг икки палатаси – бу яхлит тизим, мамлакатимизнинг ягона қонунчилик органи эканини таъкидлаш зарур, деб ҳисоблайман. Очиқ айтиш кераки, илгари, икки палатали парламентимиз иш бошлаган дастлабки пайтларда, ўзаро ҳамкорликда, қонунчилик фаолиятининг маъназмунини белгилаб берадиган умумий мақсадларга эришиш учун келишиб ҳарқат қилиш ўрнига палаталар ўртасида уларнинг қайси бири кўпроқ ваколатга эга экани ҳақида, қабул қилинаётган қонунларнинг аҳамияти ва мазмунини қайси палата яхши тушуниши ҳақида ўринсиз тортишувлар ҳам бўлган эди.

Ҳозирги кунда бундай муаммоларнинг олдини олиш мақсадида икки палата вакилларида иборат мувофиқлаштирувчи кенгашининг ташкил этилгани ва сўнгги йилларда амалга оширилган бошқа қатор ташкилий ва ҳуқуқий чоратадбирлар натижасида бундай тушунмовчиликка чек қўйилди. Лекин бундай вазиятлар янги таркибдаги депутатлар ва сенаторлар орасида пайдо бўлишининг олдини олиш зарур, деб ўйлайман.

Хурматли халқ депутатлари ва сенаторлар, мажлис иштирокчилари!

Бугунги кунда дунёда содир бўлаётган воқеаларни ҳолисона баҳолар эканмиз,

кескинлик ва хавф-хатарларнинг тобора ўсиб, геосиёсий қарама-қаршиликлар, ўз таъсир доирасини кенгайтиришга қаратилган курашнинг, радикализм, терроризм ва экстремизм каби таҳдидларнинг кучайиб бораётгани барчамизни ташвиш ва хавотирга солмасдан қўймайди, албатта.

Кўпчилик давлатлар қаторида Ўзбекистонимизда ҳам айни мана шундай таҳликали вазиятнинг олдини олиш, остонамизга қўймаслик, юртимизда бугун ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик, меҳр-оқибат муҳитини асраш, шу билан бирга, **юз бериши мумкин бўлган ҳар қандай хатарли бурилишларга тайёр бўлиш мақсадида** ўзимизнинг қатъий позициямиз ва сиёсатимизни аниқ белгилаб олганмиз.

Шулар қаторида 2012 йили қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги конституциявий қонунда белгилаб берилган, **бизнинг хавфсизлигимиз билан боғлиқ бўлган принциплар ва позицияларимиз бугунги кунда жаҳон жамоатчилигига яхши аёндыр.**

Авваламбор, узоқ ва яқин қўшниларимиз билан тил топиши, улар билан ўзаро ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшаш ва энг муҳими, **ҳеч қандай ҳарбий блокларга қўшилмаслик**, муқаддас юртимиз тупроғида чет мамлакатларнинг ҳарбий базаларини жойлаштиришга ва ҳарбийларимизнинг чегараларимиз ташқарисига ўтишига йўл қўймаслигимиз шулар жумласидандир.

Бугун юзага келаётган халқаро вазиятда айни шу йўл, шу сиёсат биз учун мақбулдир.

Азиз депутатлар ва сенаторлар!

Яна ва яна бир бор барчангизни ана шундай улуф

ва шарафли, шу билан бирга, ўта масъулиятли ишонч ва вазифага сазовор бўлганингиз билан табриклар, олдингизга қўйилган юксак мақсадларга эришишда аввало сиҳат-саломатлик, бардамлик, янги зафар ва омадлар тилайман.

Хурматли депутатлар!

Муҳтарам сенаторлар!

Шу фурсатдан фойдаланиб, сизлар билан яна бир масала бўйича фикр алмашиб олсак, ўринли бўлади, деб ўйлайман.

Маълумки, сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия томонидан Бош вазир лавозимига номзодни таклиф этиш, ушбу номзодни Президент томонидан кўриб чиқиш, янги парламентнинг қўшма мажлисида бу номзодни муҳокама қилиш ва тасдиқлаш тартиби Конституциямизнинг 98-моддасида ва шу асосда қабул қилинган тегишли қонунларимизда аниқ белгилаб қўйилган.

Шу билан бирга, Бош вазирнинг вазифалари, унинг қонуний ваколатлари ва масъулияти ҳам Асосий қонунимизда ўз аксини топган.

Конституциямизга киритилган охириги қўшимча ва ўзгартишларга мувофиқ, Бош вазир ва умуман, ижро ҳокимиятининг вазифалари ва шу билан бирга, ваколатлари, бир сўз билан айтганда, масъулияти анча кенгайгани ҳақида барчамиз хабардормиз.

Ҳеч кимга бу сир эмас – Бош вазир лавозимига номзод танлаш ва уни тасдиқлаб олиш ҳақида гап борар экан, албатта, бу ўта мураккаб ва масъулиятли масала эканини ҳаммамиз ўзимизга яхши тасаввур қиламиз.

Бу вазифага ҳар томонлама чуқур билим ва ақл-заковатга, кенг фикрлаш қобилияти, катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган, турли

синовларда тобланган, муҳтасар айтганда, кўпни кўрган, мамлакатимизни ривожлантириш, тараққий топтиришда, йирик лойиҳаларни амалга оширишда талабчан, ташкилотчи ва жонкуяр, масъулиятли, жавобгарликни ўз зиммасига оладиган, энг муҳими, ҳар қандай вазиятда ҳам одамлар билан тил топишига, обрў қозонишга қодир бўлган, ўзининг хусусият ва аломатлари билан ажралиб турадиган инсонни топиш – бу анча мураккаб ва оғир вазифадир.

Шу маънода, бугун сизларнинг муҳокамангизга тақдим этиладиган номзод ўз фаолияти ва бажарган вазифалари билан эл-юртимиз, Ватанимиз эришган марраларни қўлга киритишда муносиб ҳисса қўшган одам бўлиши шарт, десам, адашмаган бўламан.

Айни ҳозир тилга олинган хусусият ва аломатларга тўғри келадиган, жавоб берадиган инсонни топиш қандай оғир бўлмасин, барча-барча фикрларни, хулосаларни инобатга олган ҳолда, ушбу вазифага Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимида фаол меҳнат қилаётган Мирзиёев Шавкат Мирмонович номзодини тавсия этаман.

Ўйлайманки, бу номзодни сиз, хурматли депутат ва сенаторлар ҳаммангиз яхши биласиз.

Шавкат Мирзиёев ўз раҳбарлик фаолияти давомида турли масъул лавозимларда ишлаган, катта ташкилотчилик ва амалиёт тажрибаси билан обрў қозонган. Уни мамлакатимиз вилоятлари ва туманларидаги барча ҳокимлар, катта-кичик раҳбарлар, халқимиз яхши танийди.

Сиз халқ вакиллари – хурматли депутат ва сенаторлар ҳам бу номзодни қўллаб-қувватлайсиз, деб ишонаман.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА СЕНАТИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИ Тўғрисида АХБОРОТ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мажлисни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери Н.Исмоилов бошқарди.

Кун тартиби тасдиқланганидан кейин депутатлар ва сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилиши тўғрисидаги мурожаатини кўриб чиқди.

Президентимиз Ислому Каримов қўшма мажлисида маъруза қилди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси раҳбари С.Турдиев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари, сенатор И.Мирзаалиев, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси раҳбари Ҳ.Кетмонов, Тошкент ахборот технологиялари касб-хунар коллежи директори, сенатор А.Шин, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси раҳбари С.Отмуратов, Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Нукус

филиали директори, сенатор О.Атаниёзова сўзга чиқиб, давлатимиз раҳбарининг маърузасидаги йўналишлар ва хулосаларни қўллаб-қувватлади.

Президентимиз Ислому Каримовнинг маърузасида қўйилган вазифаларни амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш тўғрисида Олий Мажлис палаталарининг қўшма қарори қабул қилинди.

Мамлакатимиз Президентини Олий Мажлис кўриб чиқиши учун Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига Шавкат Мирзиёев номзодини тавсия этди.

Шавкат Мирзиёев қўшма мажлисида Вазирлар Маҳкамасининг яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳарқат дастури ҳақида нутқ сўзлади.

Парламент аъзолари кўрсатилган номзодни маъқуллади ва Шавкат Мирзиёевни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири этиб тасдиқлади. Ушбу масала юзасидан Олий Мажлис палаталари тегишли қарорлар қабул қилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси ўз ишини яқунлади.

Сарҳисоб

АТРОФЛИЧА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ



Куни кеча Ўзбекистон Республикаси ИИБ тергов идораларининг йил якунларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда вазирлик Тергов бош бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ, Транспортдаги ва вилоятлар ИИБ тергов бошқармалари ҳамда тергов бўлинмалари бошлиқлари иштирок этди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири ўринбосари, полковник С. Нурматов очиб, тергов идораларининг 2014 йил иш якунлари, жиноят ишларини тергов қилиш сифати ва самарадорлиги ҳамда жойлардаги хизмат, ижро интизоми, йўл қўйилган хато ва камчиликларга тўхталиб ўтди. Барча бўғиндаги тергов идоралари раҳбарларининг ишни

ташқил этишдаги маҳоратини ошириш, қўл остидаги терговчиларнинг фаолияти устидан кундалик назоратни олиб бориш, ижро ва хизмат интизомига қатъий риоя этиш ҳамда кўрилатган жиноят ишлари бўйича жиноят-процесси иштирокчиларининг қонунда белгиланган ҳуқуқларини таъминлашга эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Кун тартибидagi биринчи масала — тергов идораларининг 2014 йил якунлари, эришилган муваффақиятлар, юзага келган хато ва камчиликлар, уларни бартараф этишда соҳа ходимлари олдига турган вазифалар юзасидан вазирлик Тергов бош бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари, полковник Б. Жалолов маъруза қилиб, асосий кўрсаткичлар, таҳлил натижаларига тўхталди ва эришилган ютуқлар билан бирга камчиликларни кўрсатиб ўтди. Бу борада тергов идоралари раҳбарларининг масъулиятини ошириш, ходимларнинг ўз юритувига олган ҳар бир ишни малакали тергов қилиши лозимлиги уқтирилди. Тергов қилинаётган ишларнинг сифатини ошириш, тўпланган далилларнинг мақбуллиги, ҳар бир

ҳолатни тўла, атрофлича ва ҳар томонлама текширишга, қонун бузилиш ҳолатларини бартараф этишга, шунингдек, тергов қилинаётган жиноят ишлари бўйича қонуний қарорлар қабул қилинишига оид кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда шахсий таркибининг касбий маҳоратини ошириш, хизмат интизоми яхшилаш, соҳада фаолият кўрсатишни бошлаган ёш ходимларга алоҳида эътибор қаратиш юзасидан ҳам фикрлар билдирилди. Бундан ташқари, тергов идоралари раҳбарларининг айбланувчиларга нисбатан эҳтиёт чораларини асосли танлаш ва қўллаш, гумон қилинувчи ва айбланувчиларга жиноят-процессуал қонунчилигида белгиланган ҳуқуқларини тўлақонли тушунтириш ҳамда фуқаролардан келиб тушаётган ариза-

шикоятларга алоҳида эътибор қаратиш, уларни ўз вақтида, атрофлича текшириш, жиноятнинг келиб чиқиш сабабларини чуқур ўрганиш, уларни бартараф этишга қаратилган профилактик ишларини жадаллаштириш кераклиги уқтириб ўтилди.

Шунингдек, йиғилишда тергов идоралари ходимларининг ҳуқуқий билимини доимий равишда ошириб бориши, қонунчиликка киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар, жумладан, яқинда кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги ҳамда «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунларини ҳамда Жиноят-процессуал кодексининг 242¹- («Уй қамоғи»), 243- («Қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тартиби») моддаларини чуқур ўрганиш лозимлиги таъкидланди. Қонун ҳужжатларининг тўлақонли ижросини таъминлаш, амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар бўйича тегишли тавсиялар берилди.

Тадбирда тергов идоралари раҳбарлари ва масъул ходимларининг ҳисоботлари тингланиб, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Абдурашид АЛИШЕРОВ,
катта лейтенант.
Фозилжон МАМАШАРИПОВ,
ўз мухбиримиз.
Шавкат ҚАҲҚОРОВ
олган суратлар.

Хабарлар

САМИМИЙ ЎТГАН МУЛОҚОТ

ИИБ Фахрийлар кенгаши ва ШТБХ Тарбиявий ишлар бошқармаси ҳамкорлигида вазирлик Академияси Олий академик курслари тингловчилари билан учрашув ташқил этилди. Унда ИИБ Фахрийлар кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, истеъфодаги полковник Ў. Жўраев бўлажак раҳбар ходимларга ҳуқуқатимиз ва вазирлик раҳбарияти томонидан ички ишлар идоралари ходимларига зарур шарт-шароитлар яратиш, ёш ходимларни Ватанга муҳаббат, бурчга садоқат руҳида тарбиялаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилатганини алоҳида таъкидлади.

– Тинчлик, осойишталикка кўп нарса боғлиқ, – дейди кенгаш раиси ўринбосари, истеъфодаги полковник Ф. Юлдашев. – Нурунийларимиз дуога қўл очганда ҳам шу пурҳикмат сўзларни қайта-қайта такрорлаб, шукроналар айтади. Бунинг қадрига етиш, Ватан, халқ учун фидойилик кўрсатиш зарур.

Нотиқ тингловчиларга истиқлол йилларида мамлакатимизда амалга оширилган ислохотларнинг изчиллигини таъминлашда ички ишлар идоралари ходимларининг ҳам муносиб улуши борлигини алоҳида таъкидлаб, шарафли ва машаққатли касбни улуғлаган киши эл орасида обрў-эътибор қозонганини айтди.

Тадбир тингловчиларда илиқ таасурот қолдирди.

Азизжон ФАЙЗИЕВ,
катта лейтенант.

ФАХРИЙЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Ички ишлар идораларида узоқ муддат хизмат қилган фидойи ходимлар айна пайтда нафақага чиққан бўлсалар-да, улар ёшларнинг она-Ватанга муҳаббат, бурчга садоқат руҳида тарбияланишида муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Соҳа фахрийлари жойларда учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиб, тизимда фаолиятини бошлаган ёш ходимларга ўзларининг бой ҳаётий ва хизмат тажрибалари билан ўртқолашади, амалий тавсиялар беришади.

Республика ИИБ Фахрийлар кенгаши аъзолари ҳам ёш ходимлар билан тез-тез учрашув, давра суҳбатлари, мулоқотлар ўтказишни анъанага айлантиришган. Яқинда вазирлик Фахрийлар кенгашининг бир гуруҳ аъзолари ИИБ ШТБХ-

га бевосита бўйсунувчи Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малака ошириш Тошкент шаҳар марказида бўлиб, курсантлар билан дилдан суҳбатлашишди. Тадбирни марказ бошлиғи, полковник И. Самандаров очиб, фахрийларга шахсий

таркиб номидан миннатдорлик билдирди. Шундан сўнг биринкетин фахрийларга сўз берилди. Ўз навбатида фахрийлар мустақиллик йилларида ички ишлар идораларида ўтказилган кенг қамровли ислохотлар, осойишталик посбонларига яратилган шарт-шароитлар ҳақида гапиришди. Шунингдек, улар ўзларининг бой хизмат тажрибаларидан сўзлаб беришди, она-Ватанга муҳаббатли, бурчига содиқ бўлган фидойи ходимгина эл-юрт хурматида сазовор бўлишини таъкидлашди.

Фурқат ҒАЙБУЛЛАЕВ,
кичик сержант.



ҲУРМАТ-ЭҲТИРОМ ИЛА

Ҳар бир ходим нафақага чиқар экан кўз ўнгидан босиб ўтган ҳаёт йўли ўтиши, шубҳасиз. Зеро, ички ишлар идораларидаги хизмати мобайнида эл-юрт осойишталигини таъминлашдек шарафли вазифани виждонан бажариб, билдирилган юксак ишончни оқлаб ёруғ юз билан нафақага чиқиш ҳам бир бахтдир.

Республика ИИБ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармасида узоқ йиллар самарали хизмат қилган подполковник Ш. Тўйчиев ҳамда майор О. Бобожонов ҳамкасблари ва шогирдлари иштирокида эҳтиром билан нафақага кузатилди. Кузатув маросимида сўзга чиққан бош бошқарма бошлиғи, полковник У. Нарзуллаев ва бошқалар ҳамкасблари ҳақида гапирар экан, юрт осойишталиги йўлида хизмат қилиш улкан бахт бўлиши билан бирга масъулиятли вазифа эканлигини алоҳида эътироф этишди. Уларнинг ибратли ҳаёт йўли ёш ходимлар учун ўрнак бўлиши таъкидланди.

Нафақага чиққан ходимлар бундай юксак ҳурмат учун самимий миннатдорлик билдиришди. Анъанага мувофиқ уларга эсдалик совғалари топширилди.

Р. ПИРИМҚУЛОВ,
капитан.

Ўқув йиғини

Айни кунларда мамлакатимиз ички ишлар идоралари шаҳар-туман ИИБ бошлиқларининг хизмат бўйича ўринбосарлари республика ИИБ Академияси дала-ўқув майдонида ташкил этилган ўқув йиғинида ўз малакаларини оширмоқда. Чунки ички ишлар идоралари раҳбар ходимлари жисмонан соғлом, жанговар ва касбий тайёргарлиги юқори даражада, юксак интеллектуал салоҳиятга эга бўлиши, соҳага оид қонунчиликдаги ўзгаришларни шахсий таркибга ўз вақтида мазмун-моҳиятини тушунтирган ҳолда отказиши, уларни хизматга тўғри йўналтира олиш қобилиятига эга бўлиши лозим.



МУВАФФАҚИЯТГА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛ

Академия дала-ўқув майдонида бўлганимизда тингловчилар билан маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш, зарур ҳолларда тиббий хизматдан фойдаланишлари учун барча имкониятлар яратилиб, кундалик таъминот учун барча шарт-шароитлар муҳайё эканига гувоҳ бўлдик. Машғулотлар ИИБ соҳавий хизматларининг тажрибали раҳбар ходимлари, Академия профессор-ўқитувчилари томонидан олиб бори-

ри офицерларининг малакасини ошириш факультети бошлиғи, подполковник Олимжон Аҳмедов. — Шунингдек, раҳбар ходимларнинг ҳозирги кун талаблари асосида ички ишлар идораларида бошқарувни ташкил қилишда зиммаларига юклатилган вазифаларни бажаришга виждонан ёндашиш, фуқаролар ҳуқуқи, хавфсизлигини таъминлашда касб маҳорати ва тайёргарлигига эга бўлишлари, зарур

тайёргарлик, махсус, ҳуқуқий, ахборот-таҳлилий фаолият, ижтимоий-сиёсий, хизмат-жанговар, жисмоний, психология ва касб этикаси, тиббий тайёргарлик бўйича ўқув мавзулари киритилган.

— Бизга ўтилаётган дарс жадвалидан «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида ички ишлар органлари бўлинмалар фаолиятининг ҳуқуқий асослари. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонунининг мазмун ва моҳияти», «Ўзбекистон Республикаси «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг моҳияти, тезкор-қидирув тадбирларни ўтказишни ташкил этишда хизмат бўйича ўринбосарларнинг роли», «Замонавий компьютер-ахборот технологияларини ички ишлар идоралари фаолиятида қўллаш. Ахборот

масъулият», «Ички ишлар идоралари ходимларида маънавий-ахлоқий фазилатларни камол топтириш» каби кўплаб долзарб мавзуларнинг ўрин олганини алоҳида таъкидлаш лозим, — дейди Андижон вилояти Пахтаобод тумани ИИБ бошлиғининг ўринбосари, подполковник И. Бадалбоев. — Бу ерда ўрганганларимиз келгуси фаолиятимизда муҳим аҳамият касб этиши, шубҳасиз. Мустақил тайёргарлик соатларида эса турли ҳудудлардан келган ҳамкасбларимиз билан ўзаро фикр алмашиб, жиноятчиликнинг олдини олиш, унинг турларига қарши курашиш, соҳага оид энг илғор тажрибаларни алмашиш имкониятига ҳам эга бўлдик.

Энди бу раҳбар ходимлар жойларда жиноятчиликнинг олдини олиш, содир этилганларини фош қилиш, хизмат жараёнида нималарга эътибор

ган вазирлик ва ИИБ Академияси раҳбариятига ҳамкасбларим номидан миннатдорлик билдираман.

— Бизнинг дам олишимизнинг мазмунли ва мароқли ўтишини таъминлаш мақсадида турли бадий кечалар ҳам уюштирилмоқда, — суҳбатга қўшилди Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ИИБ бошлиғи ўринбосари, подполковник Ш. Фуломов. — Ички ишлар идораларида узоқ йиллар хизмат қилган фахрийлар, элимиз ардоғидаги санъат ва маданият намояндалари тадбирларга таклиф этиляпти. Бундай учрашув, давра суҳбатлари ва маданий ҳордиқ чиқаришимиз билим ва дунёқарашимизни бойитишга, кайфиятимизни кўтаришга хизмат қилаётгани кувонарлидир.

Инсон маънавияти, онгу тафаккурининг юксалиши, дунёқараш шаклланишида бадий ва сиёсий асарлар муҳим ўрин тутди. Дала-ўқув майдонидаги ахборот-ресурс марказида Юртбошимиз асарлари, кундалик нашрлар, бадий, сиёсий, юридик ҳамда ижтимоий-гуманитар адабиётлар, Академия профессор-ўқитувчилари томонидан тайёрланган соҳавий хизматларга тааллуқли методик ва ўқув қўлланмалар ўрин олган.

Хоразм вилояти Хонқа тумани ИИБ бошлиғининг ўринбосари, подполковник Б. Худойберганов, Андижон вилояти Бўз тумани ИИБ бошлиғининг ўринбосари, подполковник Х. Абдукаримов, Тошкент шаҳар ИИББ ЙПХ бригадаси 1-дивизион командири ўринбосари, майор А. Абдулҳақов, Фарғона вилояти Бағдод тумани ИИБ бошлиғининг ўринбосари, майор А. Ғофуров сингари кўплаб осойишталик посбонлари мазкур ўқув йиғининг фойдали томонлари, хизмат самарадорлигини оширишдаги аҳамияти ҳақида илиқ фикрлар билдиришди. Улар мулоқот жараёнида бунёдкорлик ва ободончилик ишлари мамлакатимизнинг барча ҳудудларида кенг кулоч ёйганини фахр билан эътироф этишди. Буларнинг барчаси замирида, аввало тинчлик-осойишталик, Юртбошимиз томонидан олиб борилган оқилона сиёсат ётганлиги ҳар биримизга гурур бағишлайди.

Қобилжон ШОКИРОВ.
Шерзод АБДУСАМАДОВ.
Абу КЕНЖАЕВ
олган суратлар.



ляпти. Айтиш жоизки, дала-ўқув майдонида маъруза заллари, ўқув ва ўқув-методик хоналар, ўқ отиш тайёргарлигини ўтказиш учун махсус тир ҳамда спорт заллари тингловчилар ихтиёрида. Улар билан жанговар ва жисмоний тайёргарлик машғулотларини вазирликнинг меъёрий буйруқ талаблари асосида ташкил этиш борасида Академия умумҳарбий фанлар ва жисмоний тайёргарлик кафедрасидан ходимлар бириктирилган.

— Ўқув йиғинидан кўзланган асосий мақсад — республика-мизда қабул қилинган янги қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини ўрганиш, ички ишлар вазирлигининг бевосита хизматга алоқадор янги буйруқ ва йўриқномалари билан танишиб чиқиш, жисмоний, жанговар тайёргарлиқни ва касбий маҳоратни оширишдир, — дейди ИИБ Академияси ички ишлар идоралари

ҳолларда ички ишлар идораларининг куч ва воситаларини жиноятчиликка қарши кураш фаолиятида тўғри қўллаш олиш, шахсий таркибни танлаш, жой-жойига қўйиш, ўқитиш, тарбиялаш, шунингдек, моҳирона бошқариш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборатдир.

Таъкидлаш лозимки, ўқув дастури қонунийликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашни кучайтиришни амалга оширувчи, ижодий ва янги фикр юритувчи, юқори савияли, руҳий тайёрланган, эгаллаган лавозимига лойиқ ҳамда яхши хислатларни ўзида мужассамлантирган раҳбар ходимларнинг малака оширишларини самарали ташкил этиш мақсадида ишлаб чиқилган. Ўқув тарбия жараёни дастур асосида амалга оширилиб, унга тингловчиларнинг хизмат вазифаларидан келиб чиққан ҳолда касбий



уруши: мақсад, восита ва шакллари», «Терроризм ва диний экстремизмга қарши кураш, хавфсизликни таъминлаш масалаларида илғор хорижий тажрибалар», «Меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида ёш мутахассис ходимлар билан ишлашни ташкил этиш. Мураббийлик институтининг ролини ошириш», «Мансаб — раҳбар ходимлар учун юксак

қаратиш лозимлигини янада чуқурроқ билишади. Ўқув йиғинида олган таассуротларини шахсий таркиб билан ўртоқлашиши ўз навбатида хизмат самарадорлигини оширишда қўл келади.

— Дала шароитида яратилган шарт-шароит ва имкониятлардан жуда қувондик, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳар ИИБ бошлиғининг ўринбосари, подполковник Н. Мнажов. — Табиат қўйнида киши ўзини анча эркин сезаркан. Ҳамкасбларимиз билан турли мавзулардаги суҳбатлар, баҳс-мунозаралардан бир олам таассурот олаёلمиз. Осойишта, обод ва жаннатмакон юрт тинчлигини асрашдек шарафли вазифани бажаришга ўз ҳиссамни қўшаётганим менга ҳар доим гурур бағишлайди. Бизнинг ўқиб-ўрганишимиз учун барча шароитларни ярат-



«Намунали милиция таянч пункти» кўрик-танлови

ШАРАФЛИ ХИЗМАТ ЭЪТИБОРДА

(Давоми.

Бошланиши 1-бетда).

Тантанали тадбирни Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ш. Турдикулов очди. Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғи, генерал-майор М. Адилов голибларни қутлар экан, жамиятимизда бошқа соҳалар қатори ички ишлар идоралари, хусусан профилактика хизматида ўтказилаётган илохотлар натижасида халқимизнинг тинч ва осойишта турмуш тарзи таъминланиб, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар кескин камайганини алоҳида таъкидлади. Тадбирда профилактика инспекторларининг жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликни тўғри йўлга қўйгани ютуқлар омили бўлиб хизмат қилаётгани эътироф этилди.

Голибларни қутлаш маросими ҳаяжонли дақиқаларга бой бўлди. «Намунали милиция та-

янч пункти» кўрик-танлов голиб-лигига Мирзо Улуғбек тумани Алишер Навоий номи маҳаллага хизмат кўрсатувчи 86-милиция таянч пункти сазовор бўлди. I даражали диплом ҳамда компьютер жамланмаси мазкур милиция таянч пункти профилактика инспектори, катта лейтенант Ж. Шариповга тантанали равишда топширилди. Чилонзор тумани 2-Чарх Камолон маҳалласидаги 336-милиция таянч пунктида иккинчи ўрин, Юнусобод тумани Бободехқон маҳалласига хизмат кўрсатувчи 455-милиция таянч пунктига учинчи ўрин насиб этди.

Кўрик-танловнинг «Энг маҳоратли профилактика инспектори» номинацияси бўйича голиб чиққан Олмасор тумани ИИБ ХООБ профилактика инспектори, капитан А. Шаматовга диплом ва компьютер жам-

ланмаси тантанали равишда топширилди.

— Кўрик-танловда голиб чиққан имиз зиммамизга катта масъулият юклайди, — дейди профилактика инспектори, катта лейтенант Ж. Шарипов. — Хизматимизнинг юксак даражада эътироф этилгани, шубҳасиз ҳаммамизни қувонтириб юборди. Бундай ютуққа эришишимизда маҳалла фаоллари ва жамоатчилик вакиллари билан мустаҳкам алоқа ўрнатганимиз муҳим аҳамият касб этди. Биз ҳудудда аҳоли, хусусан ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг камайиши учун уларнинг иш билан таъминланиши, турли диний оқимлар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш мақсадида кенг қамровли тадбирлар олиб бораётганимиз ўз самарасини бераётгани қувонарлидир.



Тадбирда «Ёш авлод ҳимоячиси» номинацияси бўйича Чилонзор тумани ИИБ ХООБ вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси гуруҳи инспектори, катта лейтенант А. Худойбердиев голиб бўлди. Шунингдек, «Энг фидойи маҳалла раиси» «Энг фаол маҳалла посбони», «Адолатли яраштириш комиссияси», «Энг фаол маърифатпарвар маслаҳатчи», «Баркамол авлод етак-

чиси» ва бошқа номинациялар бўйича ҳам голиблар аниқланди. Уларга ташкилотчилар томонидан диплом ва қимматбаҳо совғалар берилди.

ИИБ Маданият саройи ашула ва рақс ансамбли ҳамда эл ардоғидаги санъаткорларнинг куй-қўшиқлари тадбирга ўзгача шукӯҳ бағишлаб йиғилганлар кайфиятини янада кўтарди.

Шерзод АБДУШУКУРОВ.
Шавкат КАХҲОРОВ
олган суратлар.



ФАОЛЛИК ВА ФИДОЙИЛИК ЭЪТИРОФИ

Мамлакатимизда эл-юрт осойишталигини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш йўлида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Ички ишлар идоралари ходимлари билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, милиция таянч пунктлари фаолиятини такомиллаштириш мақсадида ҳар йили ўтказиб келинаётган «Намунали милиция таянч пункти» республика кўрик-танловини ҳам ана шу хайрли ишларнинг бир кўриниши дейиш мумкин.

Мазкур танловнинг Тошкент вилояти босқичи Чирчиқ шаҳридаги «Кимёгарлар» маданият саройида бўлиб ўтди. Унда республика ИИБ ХООББ, вилоят ҳокимлиги, Тошкент вилояти ИИБ, шаҳар, туман ИИБлари ва бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Тадбирни вилоят ҳокимининг ўринбосари А. Абдуқодиров очиб, мазкур танлов ички ишлар идоралари ходимлари ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари билан ҳамкорликни тўғри йўлга қўйгани ютуқлар омили бўлиб хизмат қилаётгани эътироф этилди. Шундан сўнг голиблар эълон қилинди. Унга кўра, Пискент тумани «Гулистон» маҳалла фуқаролар йиғинига хизмат кўрсатувчи 231-милиция таянч пункти биринчи ўринни эгаллади. Янгийўл тумани Қирсадақ маҳалласидаги 299-милиция таянч пункти иккинчи, Зангиота тумани «Масалбой» қишлоқ фуқаролар йиғинига хизмат кўрсатувчи 245-милиция таянч пункти учинчи ўринга сазо-

вор бўлди. Голибларга диплом, пул мукофоти ва бошқа эсдалик совғалари топширилди.

«Энг маҳоратли профилактика инспектори» номинацияси бўйича Қибрай тумани ИИБ ХООББ 161-милиция таянч пункти профилактика катта инспектори, майор Аҳмаджон Абдурахимов голиб деб топилди. «Ёш авлод ҳимоячиси» номинацияси бўйича голиблик Янгийўл тумани ИИБ ХООББ ВЕУН ва ХПГ инспектори, капитан Нодир Худоевга насиб этди.

Шунингдек, «Милиция таянч пунктлари инфратузилмасини такомиллаштириш бўйича энг фаол ҳоким», «Энг фаол хотин-қизлар кўмитаси раиси», «Энг обод ва осойишта маҳалла раиси», «Фидойи маҳалла посбони», «Энг фаол маърифатпарвар маслаҳатчи», «Адолатли яраштириш комиссияси», «Баркамол авлод етакчиси», «Хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилотининг ибратли раиси» номинациялари бўйича голиблар аниқланиб, Фахрий ёрлик ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

— Худудимизда олти минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади, — дейди танлов голиби, «Гулистон» маҳалла фуқаролар йиғинига хизмат кўрсатувчи 231-милиция таянч пункти профилактика инспектори, капитан Улуғбек Беков. — Аҳолининг тинч ва

фаровон яшаши учун барча шароитлар яратилган. Маҳалла фуқаролар йиғини милиция таянч пункти билан бир бинода жойлашгани фуқаролар муурожаатларини қабул қилишда янада қулайлик яратмоқда. Шунингдек, замонавий спорт майдончаси барпо этилган бўлиб, у ерда футбол, баскетбол, волейбол, теннис каби тўғарақлар фаолият кўрсатяпти.

Ҳақиқатан ҳам мазкур гўшада аҳоли фаровонлигини таъминлаш йўлида қилинган ишлар диққатга сазовор. Гўзаллик салони, тикувчилик цехи ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари фуқаролар хизматида. Маҳалладаги кам таъминланган оилаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилаётгани азалий кадрларимизнинг юксак намунасидир. Шу боис ҳам ушбу ҳудудда ҳуқуқбузарликлар сони ўтган йилларга нисбатан анча камайган.

Тадбир якунида Ватанни, осойишталиқни, мардликни мадҳ этувчи куй ва қўшиқлар янгради. Меҳмонлар голибларни қутлаш билан бирга, куй-қўшиқлар тинглаб, мароқли дам олишди.

Улуғбек ТУЙМАОБОВ,
подполковник.
Иномжон РАҲИМХЎЖАЕВ,
сержант.
Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.

САМАРА БЕРАЁТГАН ҲАМЖИҲАТЛИК

Самарқандда ҳам «Намунали милиция таянч пункти» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда Иштихон тумани ИИБ 124-милиция таянч пункти биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўрин Ургут тумани ИИБ 332-милиция таянч пунктига, учинчи ўрин эса Нуробод тумани ИИБ 482-милиция таянч пунктига насиб этди.

Комиссия аъзолари милиция таянч пунктларининг фаолиятини баҳолашда нафақат масканларнинг техник воситалар билан қай даражада жиҳозланганлигини, балки ҳуқуқий мавзудаги, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилувчи плакатлар билан таъминланганлигини ҳам ҳисобга олишди. Шунингдек хизмат ҳудудидаги криминоген вазият, муқаддам судланганлар, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахслар, вояга етмаганлар билан ишлашнинг, профилактик ишларнинг аҳволи ҳам диққат марказида бўлди. Бундан ташқари, масканларда фуқароларни қабул қилиш учун яратилган шарт-шароитлар яратилганига, болалар ва ўсмирларнинг қизиқишларига қараб тўғарақлар ташкил этилганига, спорт майдончаларининг жиҳозланишига алоҳида эътибор берилди.

Энди голибликни қўлга киритган, Халқобод маҳалласида жойлашган 124-милиция таянч пункти фаолиятига батафсилроқ тўхталсак. Ушбу маскан ходимлари Бодой, Халқобод ва Янгиравот қишлоқлари аҳолисининг тинчлик-осойишталигини таъминлаш йўлида фидойиларча хизмат қилишяпти.



— Эришган ютуқларимизнинг сири шундаки, маҳалла фаоллари билан қўлни қўлга бериб ишлаяпмиз. Улар кўплаб ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишимизда бизга яқиндан ёрдам беришмоқда, — дейди профилактика катта инспектори, майор Акбар Жалилов.

Худудда тўрт ярим минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Айниқса, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини кенг ёйишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бугунги кунда бу ерда тўртта спорт тўғарағи фаолият кўрсатиб тургани фикримизнинг исботидир. Қизлар бичиш-тикиш тўғарағида чеварлик сирларини ўрганишяпти. Компьютер саводхонлиги тўғарақларига ҳам қизиқувчилар кўп.

Ҳамкорликда ҳикмат кўп деб, бежиз айтишмайди. Қандай муаммо пайдо бўлмасин, майор Акбар Жалилов маҳалла оқсоқоли Аширбой Ҳасанов, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Тўтибийи Ражабова, «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбари Жамшид Абсаломов билан бамаслаҳат ҳал қилади.

Дилбар САЛОҲИДДИНОВА.
Самарқанд вилояти.
Муаллиф олган сурат.

Юксак мукофот соҳиблари

ЖАСОРАТГА
ЙЎҒРИЛГАН ХИЗМАТ

Ойнаи жаҳон орқали айрим давлатларда содир бўлаётган тўс-тўполонлар, қон тўкишларни кўриб шундай гўзал ва обод, тинч-осойишта юртда яшаш бахтига муяссар бўлганиндан шукроналар айтасан киши. Айниқса, ҳар бир оилада, тўю маросимларда кексалар дуога қўл очишар экан, тинчлик ва осойишталигимиз бардавом, мустақиллигимиз абадий бўлишини, ана шу улғу неъматларни асраш йўлида хизмат қилаётганларга куч-қувват, бахт-саодат ато этишини тилайдилар.



МАРДЛАР САРАСИ

Ёқубжон болаликдан ички ишлар идораси ходими бўлишни орзу қиларди. Бу ҳақда оғиз очганида, акалари ҳазил-хузул қилиб кулишиб, сенга ўхшаган бўш-баёв болаларни органга олишмайди, дейишарди. Аммо у бундай гапларга парво қилмади. Тинимсиз спорт билан шуғулланди. Айниқса, самбо сирларини пухта ўзлаштирди, мустақил равишда ҳуқуқшунослик фанини ўрганди.

Уйчи тумани ИИБ ЖҚ ва УЖҚКБ катта тезкор вакили, майор Бекмурод Бадалов ҳам ана шундай эл дуосига сазовор бўлаётган ходимлардан. Ички ишлар идоралари томонидан ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида туманда умумий жиноятчилик 5,1 фоизга, оғир турдаги жиноятлар 33 фоизга, талончилик 66,7 фоизга камайишига эришилди. Бунда унинг ҳам муносиб хизматлари борлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Халқимиз орасида «Ниятинг эзгулик, сўзинг чиройли бўлсин!» деган ибора юради. Бу гапда жон борлигига Бекмурод ўз ҳаёти давомида ишонч ҳосил қилди. Наманган давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетини битириб, диплом олгач, ҳарбий хизматга бориб, янада тобланди. Қайтиб келгач, ўзи ўқиган мактабда ўқитувчилик фаолиятини бошлади. Кейинроқ ички ишлар идораларига хизматга қабул қилинган Бекмурод Фарғона вилояти ИИБ ўқув марказида тахсил олиб, профилактика инспектори лавозимида фаолият бошлади. Касбнинг сир-асрорларини мукамал эгаллашда ҳозирда нафақадаги капитан Шухрат Қосимовнинг хизматлари катта бўлди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Бекмуроддаги қобилият, кучли хотира ва сезгирлик туфайли худудда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида катта ютуқларга эришилди. Ана шуларни ҳисобга олиб у туман ИИБ ЖҚ ва УЖҚКБ хизматида ўтказилди. Унга бириктирилган мураббий, ҳозирда бошқарма тергов хибсхонасида фаолият кўрсатаётган майор Ф. Нишоновдан билим ва тажриба ўрганган Б. Бадалов ўтган йиллар давомида кўплаб жиноятларни фош этишга, тергов идораларидан яшириниб юрган шахсларни қўлга олишга муваффақ бўлди.

Масалан, ўтган йили унинг раҳбарлигида битта талончилик, тўққизта ўғрилик, иккита гиёҳвандлик моддалари билан боғлиқ ва яна бошқа кўплаб жиноятлар фош этилди. 12 нафар шахс жиноий ва етти нафари маъмурий жавобгарликка тортилди ҳамда қидирувда бўлган олти нафар шахс қўлга олинди. Буларга осонликча эришилаётгани йўқ, албатта. Баъзан мавҳум содир этилган жиноятлар юзасидан бир неча киши билан суҳбатлашишга, кунларни тунларга улаб изланишга тўғри келади. Айниқса, жиноят содир этиб, яшириниб юрган шахсларни аниқлаш, юзлаб, минглаб одамлар орасидан излаб топиш ва қўлга олиш учун юксак маҳорат, кучли хотира, мардлик, жасорат талаб этилади. Бу борада Бекмурод изланувчанлиги, катта тажрибага эгалиги билан бугун устоз мақомига эришган. Ундан касб сирларини ўрганган кўплаб ёшлар турли соҳавий хизматларда самарали фаолият кўрсатишмоқда. Турмуш ўртоғи Сайёраҳон билан икки ўғилни эл қорига ярайдиган қилиб тарбиялаётган мақоламиз қаҳрамони хизматга отланар экан, онаси — Обидахон аянинг дуосини олишни канда қилмайди.

Юрт тинчлиги ва фуқароларнинг осойишта ҳаётини таъминлаш йўлида фидокорона хизмат қилаётган майор Бекмурод Бадалов Ички ишлар идоралари ходимлари қуни арафасида Президентимизнинг Фармонида биноан «Жасорат» медали билан тақдирланди. Элниги дуоси ижобат бўлиб, эзгулик йўлида қилинаётган хизмат ана шундай юксак шарафга муносибдир.

Маматхон ДАМИНШОЕВ.
Наманган вилояти.

Орзуси рўёбга чиқиб, ИИБ тизимидаги фаолиятини 1998 йилда Андижон вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ патруль-пост хизмати батальонида оддий милиционерликдан бошлади. Ўтган давр ичида мазкур батальонда турли вазифаларда хизмат қилди. Кейинроқ Андижон шаҳар ИИБ профилактика инспектори сифатида ҳам фаолият кўрсатди. Хуллас, обдон пишди, бой тажриба тўплади. 2011 йилдан буён эса вилоят ИИБ АВБСО гуруҳ командири лавозимида хизмат қилаяпти.

У оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларни қўлга олиш, гиёҳфурушларнинг қилмишини фош этиш, диний-экстремистик мазмундаги адабиётларни топиш бўйича кўплаб операцияларда иштирок этган. Ушбу махсус тадбирлар чоғида неча бор ҳаётини хавф остида қолдирган.

Андижон туманининг Ёрбоши қўрғонида бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакиллари билан биргаликда ўтказилган махсус операция ҳамон ёдида. Ушанда хонадонларнинг биридан уч килограммдан зиёд гиёҳвандлик воситаси топилган эди.

— Капитан Ёқубжон Ғозиев энг намунали ходимларимиздан бири, — дейди вилоят ИИБ алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди командири, майор Мансуржон Валиев. — У ҳам ёшларнинг меҳрибон ва талабчан устози, ҳам моҳир спортчи. Самбо ва қўл жанги бўйича турли мусобақаларда ғолибликни қўлга киритган.

Командирнинг айтганича бор. Лавҳамиз қаҳрамони қўл остидаги

ҳар бир ходимнинг кўнглига йўл топа олади, уларни спортга қизиқтира билади. Шунинг учун шахсий таркиб ўртасида ҳурмат-эътибор қозонган. Аммо катта тажриба тўпладим деб ҳеч қачон хотиржамликка берилмайди. Аксинча, доимо ўз устида ишлайди. Ўқийди-ўрганади, изланади.

Шогирдлари ҳақида гап очадиган бўлсак, улар талайгина. Сержантлар Махсуд Солиев, Азаматжон Ниёзов, Дониёрбек Арзиев, Омаджон Абдурахмонов, кичик сержант Дурдона Қодирова кабилар устози ишончини оқлаб, ўз вазифаларини сиздикидан бажаришмоқда.

Капитан Ё. Ғозиевни намунали оила бошлиғи деб ҳам баралла айтиш мумкин. Турмуш ўртоғи билан бирга уч фарзандни камолга етқишияпти. Унда бўш пайтнинг ўзи кам бўлади. Хизматдан бўш пайтларини оила аъзолари даврасида ўтказишга ҳаракат қилади, хўжалик ишлари билан шуғулланади.

Ватан ҳимоячилари қуни арафасида капитан Ёқубжон Ғозиев хизмат бурчини бажариш чоғида кўрсатган мардлиги, юртимизда тинчлик-осойишталикни таъминлашга қўшган ҳиссаси учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида кўра «Жасорат» медали билан тақдирланди.

Ҳа, ички ишлар идоралари сафида хизмат қилаётганлар орасида ҳаммиша фидойи, мард, эл-юрт тинчлик-осойишталиги йўлида керак бўлса ҳаётини тиккан инсонлар бўлган. Капитан Ёқубжон Ғозиев ана шундайлардан биридир.

Борис КЛЕЙМАН.
Андижон вилояти.

Умидли ёшлар

ОРЗУСИГА ЭРИШГАН ЙИГИТ

...ИИБ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртида бўлиб ўтаётган навбатдаги тадбир аввалида майдонга билим юртининг жанговар байроғи олиб кирилди. Кийган кийимлари ўзларига ярашиб турган, баланд бўйли, норғул, қаддини ғоз тутган йигитлар шу ерда ҳозир бўлганларнинг ҳавасини келтириб, оркестр садолари остида шахдам қадамлар билан юриб келарди. Байроқдор гуруҳ олдида эса капитан Бобур Ашрапов борарди.

Ҳар кимнинг болалигида қилган орзулари бўлади. Ҳарбий кийим кийиш, юртига сиздикидан хизмат қилиш Бобурнинг орзуси эди. Шу мақсад йўлида у мактаб давридан оқ спорт билан шуғулланишни канда қилмади. Негаки, амакиси бир сафар «спорт билан шуғулланмаган, бақувват бўлмаган йигитларни ҳарбийликка олишмайди» деб уқтирганди-да. Мактабни битириб, пойтахтимиздаги ҳарбий лицейда ўқишни давом эттирди. Бу ерда у ҳарбийликка бошлангич тайёргарликдан ўтди, кикбоксинг билан мунтазам шуғулланди. Лицейни тугатгач, ИИБ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртига ҳужжат топширди. Инсон мақсадига етишиш учун астойдил ҳаракат қилса, албатта унга етишар экан. Бо-

бурнинг ҳам орзуси амалга ошиб, билим юрти курсантига айланди. Шу даврда кикбоксинг бўйича ўтказилган қатор мусобақаларда фаол қатнашиб, совринли ўринларни

қўлга киритди ва аввал Ўзбекистон, бироқ ўтиб эса Осиё чемпионига айланди, Жаҳон чемпионатида ҳам муносиб қатнашиб, иккинчи ўринни эгаллади.

Билим юртида ўқиб юрган кезлари ўз устида тинимсиз ишлаши, жанговар тайёргарлиги туфайли устозларининг эътиборини қозонди. Ўқишни битириб, шу ерда гуруҳ командирлиги лавозимида хизматни бошлади. Бора-бора соҳа сир-асрорларини пухта ўзлаштириб, малякасини ошириб борди. Бироқ аввалроқ эса уни 1-курсантлар батальони 1-взвод командирлигига ўтказишди. Шунингдек, билим юрти ва бошқа жойларда бўладиган тадбирларда байроқдор гуруҳни бошқариш вазифаси юклатилди.

— Бу соҳада хизмат қилиш ва ҳаётда ўз ўрнини топишим-



га биринчи навбатда отам сабабчи бўлган, — дейди капитан Бобур Ашрапов. — Негаки, у киши мени ҳамма вақт қўллаб-қувватлади, қизиқишимга қараб, тўғри йўлга йўналтира олди. Спорт билан шуғулланишимга, ўқишга киришимга шарт-шароит яратиб берди...

Бугун лавҳамиз қаҳрамони ўз вазифасини ишонч билан оқлаб келмоқда ва келажакни ҳарбий соҳасиз тасаввур қилолмайди.

Фозил НИШОНОВ.
Шавкат ҚАҲҚОРОВ
олган суратлар.

ХУҚУҚ-ТАРТИБОТ ВА ОСОЙИШТАЛИК ЙЎЛИДА

МУҲИМ БЎГИНЛАРДАН БИРИ

Қўш ботиб, қоронги туша бошлаган пайт. Катта кўчадан ўтиб-қайтувчилар шу йўл бўйлаб бир неча бор у ёқдан, бу ёққа олазarak бўлиб, кимнидир илҳақ кутаётган ва тоқатсизланиб, ҳар томонга қараб қўяётган болакайга аҳамият беришмасди...

Санқиб юрган болакайнинг хатти-ҳаракатлари ниҳоят фуқаролардан бирининг эътиборини тортиб, тезда бу ҳақда туман ИИБ навбатчилик қисмига хабар беради. Ушбу телефон кўнғироғидан сўнг зарур чоралар кўрилиб, боланинг шахсини аниқлаш мақсадида уни идорага олиб келишади. Суриштирувлар натижасида шу нарса аён бўладики, у ўз онасининг бир неча миллион сўмлик тақинчоқларини уйдан ўғрилаб чиқиб, номаълум кишиларга бермоқчи бўлиб турган экан.

Шундан кейин тезкор гуруҳ ходимлари болани

яна ўша жойга олиб боришади ва кузатувни йўлга қўйишади. Белгиланган вақтда етиб келган бир неча киши болакайдан тилла тақинчоқларни олаётганда ашёвий далил билан ушланади. Маълум бўлишича, мазкур уюшган жиноий гуруҳ аъзолари вояга етмаган ёшларни алдаш, қўрқитиш йўли билан бир йил ораллигида бир неча жиноятларни содир қилишган экан.

Мақола аввалида ушбу мисолни келтиришнинг боиси бор. Навбатчилик қисмини бежиз ички ишлар идораларининг энг муҳим бўғинларидан бири деб ҳисоблашмайди. Зеро, бу ерга ташриф буюрган фуқаролар мақсадмуддаоларини айтишади ва тегишли тартиб-қоида бўйича ариза ёки шикоятларини қолдириб, белгиланган муддат ичида муурожаатларига жавоб олишади.

Бу жиҳатдан Пастдарғом тумани ИИБ навбатчилик қисми

ходимлари фаолиятдан фуқаролар мамнун. Боиси шундаки, бошига ташвиш тушиб бу ерга келган кишиларнинг бирортаси муаммосига ечим топмай қолган эмас. Шу ўринда яна бир мисол келтирсак.

– Тўйга атаб боқиб юрган тўрт бош қўйим бир кечада йўқолиб қолди. Осмонга чиққанми, ерга кириб кетганми билмайман, на из қолган, на бирор ашёвий далил. Шундан сўнг тезда туман ИИБ навбатчилик қисмига кўнғироқ қилиб аҳволни тушунтирдим, – дейди фуқаро Рамз Тўхлиев. – Хабаримни ёзиб олган ходим бироз кутишимни айтди. Ордан кўп ўтмай тезкор гуруҳ аъзолари етиб келиб воқеа жойини синчиклаб ўрганишди. Улар қайтиб кетишгач қўйларимиздан умид узгандик. Бироқ уч кундан сўнг ички ишлар бўлимига чақиритишди. Борсам, қўйларим қўшни вилоятга олиб кетилгани, ҳадемай қайтарилишини айтишди. Бир соатдан сўнг жониворларни тирик

ҳолда кўриб, хайратдан ёқа ушладим. Ушбу жиноятни содир қилганларни топиб, оиламизга қувонч улашган ходимлардан миннатдорман...

Фуқаронинг айтганича бор: биргина ўтган йили 1200 нафар кишининг ёзма равишдаги ва 1900 та телефон орқали олинган муурожаатларнинг барчаси белгиланган муддатларда ижобий ечим топди. Бундан ташқари, навбатчилик қисмига берилган хабарлар натижасида тезкор чоралар кўрилгани туфайли иккита қотиллик, олтита ўғирлик жинояти «иссиқ изида» фош этилди. Содир этилиши мумкин бўлган еттита қотиллик, 24 та ҳуқуқбузарликларнинг олди олинди.

Албатта, ушбу ишларни тезкорлик билан ташкил этиб, маълумотларни ўз вақтида тегишли ходимларга етказишда мазкур бўғинда фаолият кўрсатаётганларнинг ҳиссаси катта. Улар ўз соҳасини пухта ўзлаштиргани ҳамда ҳар бир

муурожаат ортида инсон тақдирини турганини чуқур ҳис этиши сабабли натижалар ҳам шунга муносиб бўлаётгани қувонарлидир. Майорлар Сафаров, катта сержант Мамашариф Шакулов каби фидойи ходимлар бу борада барча ҳамкасбларига ўрнак кўрсатишаётир.

– Бизга турли феъл-атвордаги фуқаролар муурожаат этишади. Аввал уларнинг фикрини охиригача эшитамиз, қўлдан келганича шу ернинг ўзида масаласига аниқлик киритишга ҳаракат қиламиз, – дейди навбатчилик қисми катта тезкор навбатчиси, майор Баҳодир Сиддиқов. – Фуқароларнинг муурожаатлари билан ишлаш юзасидан доимий равишда тадбирлар ўтказаяпмиз. Бу, вазирамиз ни талаб даражасида бажариш имконини яратаяпти. Шунингдек, навбатчилик қисмининг замонавий техника воситалари билан жиҳозлангани ҳам барча ишларни тезкорликда ҳал қилишда муҳим омил бўлаяпти.

Абдусами ХАҚБЕРДИЕВ.
Самарқанд вилояти.

ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР САМАРАСИ

Мамлакатимизда инсон ва унинг шаъни юксак даражада қадрланади. Бирор жиноят содир этиб, озодликдан маҳрум этилган шахс жазони ўташ мобайнида муносиб хулқ-атворда бўлса, айбини тушуниб пушаймон қилса, унинг жазоси енгиллаштирилиб, ахлоқ тузатиш ишларига жалб этилиши қонунларимизда ҳам белгилаб қўйилган. У оиласи бағрига қайтиши, фойдали меҳнат билан шуғулланиши, энг асосийси, шу даврда ўзини ижобий томонлама кўрсатиши туфайли муддатидан олдин озод этилиши ҳам мумкин. Буларни инсонпарварликнинг ёрқин намунаси дейиш мумкин.

Эътибор қаратиш лозимки, бу пайтда ахлоқ тузатиш ишларига жалб этилган фуқароларни иш билан таъминлаш ва хулқини назорат қилиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Буни чуқур англаган масъул ходимлар мунтазам равишда тарбиявий ишлар олиб боришмоқда. Бу борада Чирчиқ шаҳар ИИБ ҲООБ озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этилишини назорат қилиш гуруҳи томонидан қилинаётган ишлар эътиборга моликдир. Гуруҳ катта инспектори, кичик сержант Фарход Масалиев ҳамда инспектор, кичик сержант Илғор Тўйчиев маҳкумлар билан доимий равишда профилактик ишлар олиб боришяпти. Иш жойи ва оиласи билан мунтазам суҳбатлар ўтказиб, маҳалла фаолларидан мураббийлар бириктириб қўйишяпти.

– Маҳкумлар билан яқка тартибда суҳбатлашганда уларнинг руҳий ҳолатига алоҳида эътибор қаратамиз, – дейди кичик сержант И. Тўйчиев. – Бирор салбий ўзгариш сезилса ўз вақтида зарур чоралар кўрилади. Айниқса, оилавий шароити, яқинлари билан муносабатини ўргана-

миз, яна жиноят кўчасига киришига сабаб бўлувчи омилар бўлса дарҳол олдини олишга ҳаракат қиламиз.

Айримлар ҳаётда адашиб, билиб-билмай жиноят йўлига кириб қолади-ю, сўнг пушаймон бўлишади. Ўз навбатида уларга берилган жазо чораси енгилга алмаштирилади. Бироқ ҳуқуқатимизнинг кечиримлилик, инсонпарварлик таъминлари қўлланиб, жазоси енгиллаштирилганларнинг ҳаммасини ҳам тўғри йўлни танлади, жамиятда ўз ўрнига эга бўлди дея олмаимиз. Чирчиқ шаҳрида яшовчи С. Игор ноқонуний йўл билан давлат чегарасидан ўтганликда айбланиб, унга нисбатан икки йиллик ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланганди. У жазони ўташдан бўйин товлаб, ишга бормаи кўйди. Қочиб юрган пайтда ушланиб, иш жойига қайтарилди. Ходимлар томонидан бир неча марта огоҳлантирилиб, тушунтириш хатлари олинди. Бироқ Игор яна қонунни бузишга уринди. Бу гал унинг ахлоқ тузатиш ишлари озодликдан маҳрум этиш жазосига алмаштирилди.

Инсонпарварлик намунасида унумли фойдаланганлар-

га эса имкониятлар эшиги янада кенроқ очилаверади. Чирчиқ шаҳрида истиқомат қилувчи И. Санжар фибрибгарлик жинояти билан беш йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган эди. Унинг тўғри йўлни танлаб олиши учун жазонинг икки йили етарли бўлди ва жазоси ахлоқ тузатиш ишларига алмаштирилди. Санжар ўз маҳалласида сантехник бўлиб ишлаш бошлади. Иш жойи ва маҳалласидан олинган ижобий фикрномалар асосида бир йил ўтар-ўтмас жазодан озод этилди.

Спиртли ичимликни меъридан ортиқ ичиб жиноят содир этган А. Алишер эса тўққиз йилга озодликдан маҳрум этилганди. Жазонинг икки йилини ўтаб бўлгач, чин дилдан пушаймонлигини исботлаган Алишерга ҳам ахлоқ тузатиш ишлари тайинланди. Оиласи бағрига қайтганидан хурсанд бўлган йигит энди фойдали меҳнат билан шуғуллана бошлади. У шаҳардаги нуфузли корхоналардан бирига электрик бўлиб ишга кирди. Меҳнатсеварлиги, одоби билан тез орада кўпчиликнинг ишончини қозонди. Муддатидан илгари озод этилганида эса янада яхши инсон бўлишга, энди ҳеч қачон жиноят кўчасига кирмасликка сўз берди.

Жамиятда адашган, эгри йўлга кирган кишиларнинг тўғри йўлни танлаб, ҳаёти изга тушганини кўриш, бунда озми-кўпми ҳиссанг борлигини ҳис қилиш кишининг дилини қувонтиради. Кичик сержантлар Ф. Масалиев ҳамда И. Тўйчиев буни теран англаган ҳолда, масъулият билан қилган хизматлари яхши самара бераётганидан руҳланиб, янада фидойилик кўрсатишяпти.

И. ИМОМХЎЖАЕВ.
Тошкент вилояти.

ИИБ Матбуот хизмати хабарлари

МЕҲМОННИ ТУНАДИ

Тошкент вилоятининг Тўйтепа туманига меҳмонга келган қашқадарёлик Ч. Нуриддин кечқурун кетаётганида номаълум киши уни пичоқ билан қўрқитиб, 1 миллион 800 минг сўм пули, минг АҚШ доллари ва сариқ металлдан ясалган узугини олиб кетади. Воқеадан хабар топган ички ишлар идоралари ходимлари меҳмонни тунаган кимсани аниқлашди. У тўйтепалик М. Соипназар экан. Ҳозирда тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.




ТУНГИ БОСҚИНЧИЛИК



Қашқадарё вилоятининг Муборак туманида яшовчи Ж. Шоҳруҳ косонлик таниши П. Моҳира билан жиноий ишларни режалаштириб, тунда аёлнинг ҳамқишлоғи М. Сарварнинг уйига бостириб киради. Ундан пул талаб қилиб қўли ва юзига пичоқ билан жароҳат етказди. Уй эгаси уларга қаршилик кўрсатиб, одамларни ёрдамга чақиргач босқинчилар қочиб кетади. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида босқинчилар қўлга олинди.

МАҚСАДИГА ЕТА ОЛМАДИ

Қашқадарёлик С. Давлат пойтахтимиздаги Ўзбекистон Давлат цирки биносининг орқа томонида сурхондарёлик А. Дамирни уриб, «Самсунг» уяли телефони тортиб олиб қўяётганида мазкур ҳудудда хизмат ўтаётган ички ишлар идоралари ходимлари томонидан ушланган. Ҳозирда талончига нисбатан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.



МАСТЛИК БАҲОНА ЭМАС



Фуқаро Ю. Соҳиб ўзига тегишли «Дамас» русумли автомашинасини тунда Учтепа тумани ҳудудида қаровсиз қолдиради. Бундан фойдаланган Зангиота туманилик К. Зарип автомашинани ҳайдаб қочади. У «Дамас»ни Катта Хирмонтепа кўчасида маст холатда ҳайдаб кетаётганида ички ишлар идоралари ходимлари томонидан тўхтатилиб, қўлга олинди.

Шерали АНВАРОВ,
майор.

Маърифат ва сиёсий ўқиш

ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ: МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотларнинг пировард мақсади ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш учун мустақам моддий негизни яратишдир. Ушбу ислохотларнинг негизда, энг аввало, инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари ётади. Конституциямизда белгилаб берилган нормалар асосида мамлакатимизда инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, кадр-қиммати энг олий қадрият даражасига кўтарилди. Ушбу олий қадрият нафақат миллий қонунчилик, балки халқаро ҳуқуқ нормалари билан кенг ҳимоя қилинмоқда.

Яқинда нишонланган Бош қомусимизнинг 22 йиллиги тантанасида давлатимиз раҳбари томонидан алоҳида эътироф этилганидек, ўтган йилларда амалга оширилган конституциявий ислохотлар фуқароларимизнинг ҳуқуқий онги, сиёсий ва ҳуқуқий маданияти тобора юксалиб бораётганида намоён бўлмоқда. Ўз навбатида, фуқароларимиз онг-тафаккурида юз бераётган ушбу ўзгаришлар, ҳаётимизда рўй бераётган янгиланишлар миллий қонунчилигимизни замон талабларидан келиб чиқиб такомиллаштириб боришни тақозо этапти. 2014 йилнинг 4 декабрида кучга кирган «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари тартибга солишдаги ҳуқуқий бўшлиқни тўлдирди» деган қонуни ҳам замон талабларининг мажбуриятлари, моддий зарарнинг ўрнини қоплаш, маънавий зиённи компенсация қилиш, муносабатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликка оид қоидалар ҳам қонунда ўз ифодасини топди.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳокимият органларига муносабатлари институтининг ҳам миллий, ҳам халқаро ҳуқуқни муҳофаза қилиш даражасида тартибга солинган мустақил комплекс ҳуқуқий институт бўлиб, унда фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қўллаш мақсадида давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига оғзаки ёки ёзма шаклда муносабат қилиш ҳуқуқи мустақамланган.

5 боб, 31 моддадан иборат қонунда бир қатор янгиланишлар бўлиб, улар қуйидагиларда акс этади.

Биринчидан, тобора ривожланиб бораётган фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқларини таъминлаш, жумладан, юридик шахсларнинг муносабатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги ҳуқуқий бўшлиқ тўлдирилди.

Иккинчидан, мамлакатимизда ахборот технологиялари ривожланиши билан боғлиқ равишда кенг тарқалаётган «электрон муносабат» турининг ҳуқуқий мустақамланиши таъминланди.

Учинчидан, давлат органларининг мансабдор шахсларнинг муносабатларини кўриб чиқиш ва ҳал этишдаги масъулияти оширилди.

Тўртинчидан, қонунда амалиётда дуч келинаётган тақдир муносабатлари, муносабатнинг дубликати, қўшимча муносабатлар масалаларига аниқлик киритилиб, таъриф берилди ва уларни кўриб чиқишнинг тартиби белгиланди. Бу давлат органлари,

бошқа ташкилотлар томонидан муносабатларни кўриб чиқишда ҳуқуқни қўллашнинг ягона амалиётини жорий қилиш имконини беради.

Шунингдек, қонунда муносабатларнинг шакллари, турлари, уларга қўйиладиган талаблар белгиланди. Жумладан, жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш, муносабат этиш ҳуқуқларининг кафолатлари мустақамланди. Муносабатларни бериш, уларни кўриб чиқиш тартиби, муддатлари, муносабатларни кўрмай қолдириш асослари, муносабатларни кўриб чиқишда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда давлат органларининг мажбуриятлари, моддий зарарнинг ўрнини қоплаш, маънавий зиённи компенсация қилиш, муносабатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликка оид қоидалар ҳам қонунда ўз ифодасини топди.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳокимият органларига муносабатлари институтининг ҳам миллий, ҳам халқаро ҳуқуқни муҳофаза қилиш даражасида тартибга солинган мустақил комплекс ҳуқуқий институт бўлиб, унда фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қўллаш мақсадида давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига оғзаки ёки ёзма шаклда муносабат қилиш ҳуқуқи мустақамланган.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатларининг комплекс ҳуқуқий институт сифатида кўриб чиқишда ушбу қонунни қўллаш механизми замиридаги қуйидаги асосий умумҳуқуқий, миллий принципларни ажратиш кўрсатиш лозим.

1. Муносабат қилишга тааллуқли умумий ҳуқуқ принципи ҳокимият органларига муносабат қилиш ҳуқуқини суиистеъмол қилишни тақиқлаш ни аниқлаштиради. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасига асосан, фуқаро томонидан ҳуқуқ ва эркинликларнинг амалга оширилиши бошқа шахслар,

давлат, жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларига дахл қилмаслиги лозим.

2. Муносабат қилиш эркинлиги, ихтиёрийлиги принципи. Унга мувофиқ, жисмоний ва юридик шахслар давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки мансабдор шахсларга ёзма таклифларини, ариза ёки шикоятларини монесиз юборишга, шунингдек, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига оғзаки, электрон шаклда муносабат қилишга ҳақлидир.

3. Умумийлик принципи. Яъни, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва қонунларида белгиланганидан ташқари, ҳар бир жисмоний шахс муносабат

Бир сўз билан айтганда, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари тўғрисида»ги қонун жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари билан ишлаш самарадорлигини оширишга, уларнинг ҳуқуқ, қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини бутун чоралар билан таъминлашга, шунингдек, давлат органлари, ташкилотларининг муносабатлар ўз вақтида ҳамда ҳар томонлама кўриб чиқиши учун жавобгарлигини кучайтиришга хизмат қилади.

қилиш ҳуқуқига эгадир. Бу чеклов сиёсий хусусиятга эга муносабатларга тегишлидир.

4. Тенг ҳуқуқчилик принципи. Яъни, жисмоний ва юридик шахслар давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига муносабат қилиш ҳуқуқини амалга оширишда тенг ҳуқуқлидир.

5. Ошкоралик принципи. Унга мувофиқ, жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатларидаги ҳамма нарса истисносиз кўриб чиқиши, муносабат қилиш ташаббускори бўлган жисмоний ва юридик шахсларнинг хавфсизлиги кафолатланиши лозим.

6. Жисмоний ва юридик шахслар ҳамда давлат ҳокимияти, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, мансабдор шахсларнинг тенг жавобгарлиги принципи.

7. Муносабатни кўриб чиқиш ундаги масалани ҳал этиш ваколатига кирадиган давлат ҳокимияти, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки мансабдор шахс томонидан амалга оширилишини ифодалайдиган қарашлилик принципи.

8. Қонунийлик, холислик, ҳар томонламалик ва ўз вақтидалик принципи.

Таъкидлаш жоизки, қонуннинг номи ҳам бирмунча ўзгартирилди ва кенгайтирилди. Бунда хорижий тажрибалар ўрганилиб, унинг миллий қонунчилигимиз билан эътибор берилди. Қонунда янги субъект — юридик шахслар киритилишини ҳисобга олган ҳолда, уни амалдаги қонунчилик терминологияси билан мувофиқлаштириб, бир-бирига мутаносиб номлашни мақбул деб топилди.

«Жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари тўғрисида»ги қонунда фақат фуқаролар эмас, балки юридик шахсларнинг ҳам муносабатлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланди. Зеро, илгари қонун ҳужжатларида фақат фуқароларнинг муносабатлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланган. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, қонунда юридик шахсларнинг муносабатларини кўриб чиқишдаги қонун-

бузарлик учун тегишли маъмурий ва жиноий жавобгарликни белгилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 144-моддасига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 43-моддасига тегишли ўзгаришлар киритиш назарда тутилди.

Хусусан, қонунда давлат органлари томонидан жисмоний ва юридик шахслар муносабатларининг кўриб чиқиши жараёни ҳақида ахборот олиш, шахсан ўзи вақтарини баён этиш, тушунтиришлар бериш, муносабатни текшириш материаллари ҳамда кўриб чиқиш натижалари билан танишиш, қўшимча материаллар тақдим этиш ёки уларни бошқа органлардан (ташкilotлардан) сўраб олиш тўғрисида илтимос қилиш, адвокат хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқига эгаллигини назарда тутувчи янги нормаларнинг киритилиши инсон ҳуқуқларини таъминлаш мақсад, вазибаларига ҳамроҳанг келади.

Шунингдек, муносабатни кўриб чиқаётган давлат органларининг мансабдор ва ваколатли шахслари жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатларига дахлдор ҳужжатлар, қарорлар, бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини таъминлаш, давлат органлари жамияти ва давлат манфаатлари бузилишини келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида муносабатларни камида бир йилда бир марта умумлаштириб, таҳлил этиб боришини назарда тутувчи меъёрларнинг мавжудлиги ҳам бошқарувда очиқлик, ҳисобдорлик тамойилларини ўзида акс этади.

Шу билан бирга, давлат органлари ва муассасалари

масъул ходимларининг ҳам жисмоний, ҳам юридик шахслардан келиб тушган муносабатларга бўлган эътиборини, бу борадаги масъулиятини оширишни назарда тутувчи Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддаларига киритилаётган ўзгариш, қўшимчалар қонун устуворлигини таъминлашнинг самарали ҳуқуқий механизмлари такомиллашуви, шунингдек, давлат органлари мансабдор шахсларининг фуқаролар, юридик шахсларнинг муносабатлари билан ишлаш борасидаги масъулиятини янада кучайтиришнинг таъсирчан чораси яратилишига оид қарар билан мос эканлиги ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Бир сўз билан айтганда, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари тўғрисида»ги қонун жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари билан ишлаш самарадорлигини оширишга, уларнинг ҳуқуқ, қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини бутун чоралар билан таъминлашга, шунингдек, давлат органлари, ташкilotларининг муносабатлар ўз вақтида ҳамда ҳар томонлама кўриб чиқиши учун жавобгарлигини кучайтиришга хизмат қилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, кўриб чиқиладиган жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари институтининг аҳамияти, ўрни беқиёс. Муносабат қилиш орқали шахс, давлат ўртасидаги муносабатлардаги мувозанат таъминланади, шахснинг давлат ҳокимиятига таъсир кўрсатишининг самарали механизмлари шаклланади. Фуқаролар сўз эркинлиги, сайлов ҳуқуқи, бирлашиш, уюшма тузиш ҳуқуқи каби турли ҳуқуқ ва эркинликлар воситасида давлат ҳокимиятига таъсир кўрсатиши ҳамда унинг фаолиятини назорат қилиши мумкин. Муносабат қилиш ҳуқуқи юқоридаги имкониятлар билан бир қаторда фуқаролар, давлат ўртасидаги муносабатларда энг кўп амалга ошириладиган имкониятдир.


Юқорида таъкидланганларни, шунингдек, муносабат қилиш ҳуқуқи ўзига икки жиҳат (фуқароларнинг давлат органлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига фаол таъсир кўрсатиш имконияти ҳамда шикоят ва аризалар орқали бузилган ҳуқуқларни тиклаш усули)ни қамраб олишини ҳисобга олган ҳолда, айтиш мумкинки, фуқароларнинг давлат ҳокимиятига муносабат қилиш конституциявий ҳуқуқининг амалга оширилиши билан боғлиқ масаланинг долзарблиги шубҳасиздир.

Насриддин ИСМОИЛОВ,
юридик фанлар номзоди,
доцент.

Фахрийлар ҳаёти – ибрат мактаби

Туман ИИБда бўлиб ўтган учрашувга кўп йиллар ички ишлар идораларининг тергов, жиноят қидирув, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва бошқа соҳаларида фидокорона хизмат қилган, турли раҳбарлик лавозимларида ишлаб, подполковник унвонига нафақага чиққан Шамсиддин Сувонов тақдир этилди. У ёш ходимларни шарафли касбни танлаганлари билан табриқлаб, бу шарафни оқлаш, элу юрт ишончини қозониш осон эмаслигини, фаолият давомида учраб турадиган барча қийинчилик ва машаққатларни матонат билан енгиб ўтганларгина муносиб обрў-эътиборга эриша олишини таъкидлади. Хизмат фаолияти давомида рўй берган айрим воқеаларни сўзлаб берди.

ҲАМОН ХАЛҚ ХИЗМАТИДА



...Жиззах шаҳридаги заргарлик дўконларининг бирида ўғрилик содир этилди. Жиноят қидирув бошқармасида хизмат қилаётган Шамсиддин Сувонов ҳам тергов-тезкор гуруҳига жалб қилинди. Шу кунгунгун гумон қилинган шахслардан бири қўлга олинди. Лекин унинг ҳам-товоқлари ҳам бор эди. Шамсиддин устози, полковник Қайнар Қаршибоевнинг ҳар қандай шароитда ҳам шошмасдан, гумон қилинган кимдан кузатиш лозим, деган ўғитига амал қилган ҳолда, қўлга олинган йигитни қайта-қайта сўроқ қилиб, шерикларини бот-бот суриштирди. Йигит ҳар гал иккиланган, каловлана-каловлана жавоб берарди. Шундан кейин Шамсиддин сўраб-суриштириб гумон қилинганнинг ўғрилик содир этилган кун икки-ючунлик икки йигит билан чойхонада кўришганини

аниқлади ва Андижонга йўл олди. У ерда заргарлик дўконини тунаган йигитлар айнан ўғирланган тилла тақинчоқларни сотишгаётганида қўлга олинди.

Шамсиддин Сувонов Жиззах вилояти ички ишлар идораларида муносиб ўрин топиб, эл-юрт ҳурмат-эътиборига эришган устозларига эргашиб асло кам бўлмади. Улардан хизмат сирларини ўрганиб, билим ва малакасини бойитди, тажрибасини орттирди. Энг муҳими, берилган ҳар бир топшириқни ўз вақтида астойдил адо этишга интилди. Шунинг учун ҳам хизмат пилла-полярларидан кўтарилиб борди.

– Ички ишлар идоралари ходими доим сергак бўлиши лозим, – дейди лавҳамиз қаҳрамони. – Чунки ҳаётда ҳар хил ҳодисалар рўй бериб туради, чигал воқеалар учрайди, турли тоифадаги, хулқ-атвордаги

кишилар билан учрашишга тўғри келади. Шунинг учун ҳар қандай шароитда ҳам вазиятни тўғри баҳолай билиш зарур бўлади.

...Фаллаорол тумани ИИБ бошлиғи бўлиб хизмат қилаётган Шамсиддин Сувонов вилоят марказида бўлиб ўтган оммавий тадбирда жамоат тартиби ва хавфсизлигини сақлашга сафарбар қилинган шахсий таркибни хизмат жойига жўнатиб, ишхонага бораётган эди. Йўл чеккасида турган «КамАЗ» русумли автомашина унда шубҳа уйғотди. Қизиги, вақт алламаҳал бўлишига қарамасдан машинага қўй ортилаётган экан.

– Бу қўйларни бир чўпондан сотиб олдим, машина топгунимча кеч бўлиб қолди, – деди ёши йигирмага ҳам етмаган жиккакки-на йигит ҳовлиққанча.

– Неча сўмга сотиб олдинг? – дея сўради Ш. Сувонов шубҳаси ортиб.

Йигит яна каловланиб, катта миқдордаги суммани айтди ва кичкинагина халтани кўрсатиб қўшимча қилди:

– Ишонмайсизми, пулларни мана бу халтага жойлаб келгандим.

Ш. Сувонов кулиб юборишдан ўзини аранг тийди. Чунки йигит айтган сумма купюрасининг огирлиги камида саксон кило тош босар, кичкина халтачага эмас, балки катта қопга жойлашиши мумкин эди.

Хуллас, йигит ҳеч қандай баҳона ўтмаслигини ҳис этиб, айбини тан олди. Эртасига эрталаб қўшни тумандаги бир отардан юздан ортиқ қўй ўғирлангани ҳақидаги хабар келди.

– Шамсиддин аканинг хизмат фаолиятдан ўрнак олса арзийди, – дейди вилоят ИИБ бошлиғининг ўринбосари, полковник Тўлқин Жуманов. – Шунинг учун ҳам уни ёш ходимлар иштирокидаги учрашув ва суҳбатларга

таклиф қилиб, бой хизмат тажрибасидан баҳраманд этиб тураемиз. Чунки фахрийларимизнинг ҳар битта ўғити келгуси фаолиятда, албатта, асқотади.

Бошлаган ишингни фарзандлар давом эттирса, ёки сен танлаган касбда хизмат қилса, бу ота-онага қувонч бағишлайди. Мақоламиз қаҳрамони ҳам ана шундай бахтли инсонлардан бири. Қизи Фарангис вилоят ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бошқармасида хизмат қилмоқда. Куёви Лазиз Исаев вилоят ИИБ ҲООБ инспектори. Улар ҳар доим Шамсиддин акадан хизмат фаолияти бўйича йўл-йўриқ маслаҳат олиб туришади.

Дарвоқе, Шамсиддин аканинг турмуш ўртоғи Фароғат ая ҳам ҳуқуқшунос. Кўп йиллар вилоят суд идораларида хизмат қилиб, нафақага чиққан.

– Ички ишлар идораларида хизмат қилиб, ҳурмат-эътибор топганимдан, бугунги кунда эса кўплаб фахрийлар қаторида юксак эъзоз ва эҳтиром кўраётганимдан бахтиёрман, – дейди Шамсиддин Сувонов. – Бунинг учун дўсту қадрдонларимга, касбдошларим, устозу шогирдларимга миннатдорлик билдираман. Ҳали куч-қувватим бор экан, одамларга озгина бўлса-да, нафим тегса, дейман.

Ҳа, Шамсиддин ака ўзи истагандай бугун ҳам эл хизматида. У турмуш ўртоғи билан биргаликда адвокатлик қилиб, бой ҳаётий тажрибасини, билим ва малакасини фуқароларнинг ҳуқуқларини химоя қилишдек хайрли ишга сафарбар этмоқда.

Ш. САДРИДДИНОВ.

Жиззах вилояти.

Соҳа фидойилари

БИЛИМДОН ХОДИМНИ АЛДАБ БЎЛМАЙДИ

Қибрай тумани ИИБга туманда истиқомат қилувчи Р. Ойбек номидан ариза келиб тушди. Унда Азиз исмли йигит ҳеч қандай сабабсиз уриб, ариза муаллифига тан жароҳати етказгани айтилган эди. Ушбу мурожаат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, терговни олиб бориш майор Рустам Кенжаевга топширилди.

Терговчи аввалига жабрланувчи билан обдон суҳбатлашди, ундан воқеа тафсилотларини эшитиб, тегишли кўрсатмаларни олди. Аммо Азиз мазкур воқеадан умуман беҳабарлигини, ўша кун ишда бўлганини айтди. Ишхонасидагилар ҳам унинг гапларини тасдиқлашди. Демак, тергов қилинаётган ҳолатнинг айрим жиҳатларини аниқлантириш, яъни асл ҳақиқатни юзага чиқариш зарур. Масалан, Ойбек тан жароҳати олгач, зудлик билан шифохонага борганини айтганиди. Экспертиза хулосалари эса жароҳат етказилганидан кейин икки соатдан ортиқ

вақт ўтиб борилганини кўрсатиб турарди. Ваҳоланки, шифохона ва воқеа жойи ўртасидаги масофа бор-йўғи икки километрни ташкил этар, бу масофани кўпи билан ўттиз дақиқада босиб ўтиш мумкин эди. Қолаверса, воқеа жойини кўздан кечириш асносида Ойбек айтган вақтда бу ерда ҳеч қандай жанжал бўлмагани аниқланди. Ушбу далиллар қаршисига ожиз қолган «жабрланувчи» Азизга нисбатан шахсий хусумати борлигини, шунинг учун унга тўхмат қилганини тан олди.

Билимдон, малакали ходимни алдаб ёки чалғитиб бўлмайди. Терговчининг ҳар бир ҳолатни синчиклаб ўргангани, одамлар билан эринмай суҳбатлашиб, воқеага ойдинлик киритгани бир бегуноҳ йигитни тўхмат балосидан сақлаб қолди. Энди Р. Ойбек ўзгага қазиган чуқурига ўзи тушиб, қонун олдида жавоб беради.

Туман ИИБ тергов бўлими ходимларининг фидойилиги, соҳа сирларини пухта ўзлаштиргани туфайли жиноятлар ўз вақтида фож этилмоқда. Шунингдек, хизмат самарадорлигини ошириш борасидаги саъй-

ҳаракатлар ҳам бесамар кетмаяпти. Соҳада кўп йиллар фаолият кўрсатган бўлим бошлиғи ўринбосари, капитан Ш. Шоназаров, катта терговчи, майор Р. Кенжаев каби тажрибали ходимлар ёш терговчиларга ўз билим ва маҳоратларини ўргатиб, уларнинг етук мутахассис бўлиб шаклланишига ҳисса қўшмоқдалар. Ёш ходимлар ҳам, ўз навбатида, интилиш, меҳнатсеварлик, синчковлик, ҳушёрлик каби хислатларини намоён этишяпти.

Чинобод қишлоғида яшовчи фуқаро М. Акбар туман ИИБга мурожаат қилиб, уйда ҳеч ким йўқлигида номаълум шахслар томонидан компьютер жамланмаси ва бир қанча қимматбаҳо тақинчоқлари ўғирланганини маълум қилди. Терговчи, катта сержант Мансур Тилапов мазкур ҳолат юзасидан тергов-суриштирув ишларини бошлаб юборди. Эксперт-криминалистика бўлинмаси катта эксперти, капитан Қаҳрамон Жуманов воқеа жойидан бармоқ изларини олишга эришди. Тахминлар жиноятни шу туманда яшовчи Қ. Ёқуб содир этганини кўрсатди. Экспертиза

хулосалари бармоқ излари ҳам айнан шу шахсга тегишли эканини тасдиқлади. Аввалига қилмишини турли баҳоналар билан яширишга уринган Ёқуб келтирилган ашёвий далиллар қаршисига ожиз қолди.

– Ёш ходимлардан умидимиз катта, – дейди майор Р. Кенжаев. – Улар ҳар бир ишга масъулият билан ёндашишмоқда. Ўтган йили содир этилган ўғрилик, фирибгарлик, безорилик каби бир қанча жиноятлар айнан ёш терговчилар томонидан тезкорлик билан фож этилди.

Ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири ётади. Ички ишлар идорасига мурожаат қилган фуқаро улардан нажот кутади, муаммоси ҳал этилишига ишонади. Қибрай тумани ИИБ ходимлари буни яхши англаб етган ҳолда фаолият кўрсатишмоқда. Айни шу жиҳат хизматда эришилаётган ютуқларнинг асосий омили бўлаётгани қувонарлидир.

Баходир ТОЖИЕВ,
майор.
Иномжон РАҲИМХҲАЕВ,
сержант.

Тошкент вилояти.

Бизнинг суҳбат

КИМ ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИ БЎЛИШИ МҶМКИН?

Бугунги кунда мамлакатимиз Куролли Кучлари сафида хизмат қилиш конституциявий бурчгина эмас, шафари ишга айланиб қолди. Муддатли ҳарбий хизматга чоғланганларнинг сони бору, саноғи йўқ. Уларнинг аксарияти кейинчалик хизматни шартнома асосида давом эттириш истагини билдиришади. Қолаверса, сафарбарлик чақируви резерви асосида хизмат ўтаганлар, олий таълим муассасаларини битирган захирадаги офицерлар орасида ҳам Ватан ҳимоячиси бўлишни хоҳлаганлар анчагина. Ҳатто қизларимиз ичида ҳам юрт ҳимоясини ҳаётининг мазмуни деб билган Тўмарис издошлари топилди. Хуллас, ҳарбий хизмат билан боғлиқ масалалар муштарийларимизни қизиқтиради деб ўйлаймиз. Уларнинг қизиқишини ҳисобга олиб, ана шу мавзуда ИИБ Қоровул кўшинлари бош бошқармаси бўлим бошлиқлари подполковник Қамариддин Қаршиев, майор Шавкат Остонақулов, юридик хизмати бош юрисконсулти, подполковник Расул ҚОСИМОВ билан суҳбатлашишга қарор қилдик. Куйида ушбу суҳбатни эътиборингизга ҳавола этамиз.

– Қамариддин Туркманович, оддий халқ тили билан айтганда, армия ёшига етган йигитларнинг айримлари бизга мурожаат этиб: «Тиббий кўрик натижаларига кўра соғлигим бўйича ҳарбий хизматга яроқли деб топилган бўлсам-да, нега сафарбарлик чақируви резерви хизматига қолдирилдим?» деб сўрашади.

– Шунинг таъкидлаб ўтиш керакки, ҳозирда Куролли Кучларимиз тобора профессионаллашиб бораёпти. Шахсий таркибнинг катта қисмини шартнома асосида хизмат қилувчилар ташкил этади. Демак, муддатли ҳарбий хизматга чақирилувчилар сони чеклангандир. Бундан ташқари, мамлакатимиз Президентининг 2006 йил 14 январдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ, уларнинг интеллектуал салоҳияти тест синовлари орқали текширилади, жисмоний имкониятлари баҳоланади. Чақирилувчилар орасидан энг муносиблари саралаб олинади. Бошқача қилиб айтганда, армия сафида хизмат қилиш учун фақат соғлом бўлишнинг ўзигина етарли эмас. Бугунги кунда Куролли Кучларимиз сафларида юрагида ватанпарварлик туйғуси жўш урган, дунёқараши кенг, юксак маънавий-ахлоқий сифатларга, зарур интеллектуал даража ва пухта жисмоний тайёргарликка эга йигитлар муддатли ҳарбий хизматни ўташмоқда.

– Муддатли ҳарбий хизматга чақирув ёши чекланганми?

– Чақирув бўйича ҳарбий хизматга (муддатли ҳарбий хизматга) одатда 18 ёшдан 23 ёшгача бўлган фуқаролар, шунингдек, муқаддам ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтамаган офицерлар чақирилади. Муддатли ҳарбий хизмат муддати ўрта махсус маълумотли оддий аскарлар учун ўн икки ой, олий маълумотлилар учун тўққиз ой этиб белгиланган.

– Йигитларнинг муддатли ҳарбий хизматга қизиқишлари тобора ортаётганининг боиси нимада деб ўйлайсиз?

– Чунки армия мактабини ўтаб келганлар ҳаётда тез ўз ўрнини топиб кетиши ҳаммага маълум. Боиси, ҳарбий хизматни ўташ чоғида улар ҳар томонлама чиниқади, ҳатто кейинчалик асқотадиган касбларни эгаллашади. Корхона ва ташкилот раҳбарлари собиқ аскарларни бажону дил ишга қабул қилиши ҳам бежиз эмас. Бундан ташқари, намунали хизмат қилганларга республикамизнинг олий таълим муассасаларига киришлари учун тавсияномалар бериляпти.

– Муштарийларимиз орасида ушбу тавсияномаларнинг берилиши тартиби билан

қизиқувчилар талайгина. Расул Мустақимович, шу ҳақда батафсил маълумот берсангиз.

– Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган, ҳарбий қисмлар кўмондонлигининг тегишли тав-



сияномаларига эга бўлган фуқаролар Юртбошимизнинг тегишли Фармонида мувофиқ барча йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича бакалаврлар босқичига республикамизнинг барча олий таълим муассасаларига киришда тўплаш мумкин бўлган максимал баллнинг 27 фоизи миқдорда кўшимча балл шаклидаги имтиёзга эга бўлади.

Мазкур тавсияномаларни бериш тартиби тўғрисидаги Низом Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа ва Ички ишлар вазирликлари ҳамда Миллий хавфсизлик хизматининг 2012 йил 23 октябрдаги қўшма қарори билан тасдиқланган. Унга кўра муддатли ҳарбий хизматчига тавсиянома бериш тўғрисидаги қарор ҳарбий қисм командири томонидан қабул қилинади. У қарор қабул қилиш чоғида ҳарбий хизматчининг бевосита командирларининг тақдимномаси ва муддатли ҳарбий хизматчиларнинг умумий йиғилиши қарорига асосланади. Бунда ҳарбий хизматчининг хизмат давридаги ҳарбий интизом, жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлик бўйича эришган натижалари ҳисобга олинади. Бундан ташқари, муддатли ҳарбий хизматчилар томонидан жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлик дастурларининг ўзлаштирилишига оид якуний баҳоларни аниқлаш мақсадида ўтказилган тест синовларининг натижалари ҳам инобатга олинади.

– Демак, тавсияномани қўлга киритишга интилиш муддатли ҳарбий хизматчини ҳар томонлама намунали хизмат қилишга ундар экан-да?

– Албатта. Муддатли ҳарбий хизматчига ҳарбий интизом, жанговар ва маънавий-маърифий

тайёргарлик натижалари бўйича баллар қўйиш бутун хизмат даври давомида амалга оширилади.

– Унинг интизоми қандай баҳоланади?

– Агар муддатли ҳарбий хизматчи ҳарбий қисм командири томонидан рағбатлантирилса 5 балл, ҳарбий округ кўшинлари

ёргарликка оид савол учун 1,2 балл, маънавий-маърифий тайёргарликка оид савол учун 1,1 балл, мантиқий савол учун 1 балл қўйилади. Кўриб турибдики, ушбу тест синовини ҳам муддатли ҳарбий хизматчиларни пухта жанговар тайёргарликка эга бўлишга даъват этади.

– Юқори балл тўлаганига қарамай тавсиянома берилмайдиган муддатли ҳарбий хизматчилар ҳам бўладими?

– Хизмат фаолиятига салбий тавсиф берилган, хизмат ўташ даврида ҳарбий интизомни кўпол равишда бузиб, ушбу ҳолат юзасидан хизмат текшируви ўтказилиб, ҳарбий қисм командирининг тегишли буйруғи чиқарилган муддатли ҳарбий хизматчиларга тавсиянома берилмайди.

– Яна бир савол: тавсияномалар сони чекланганми?

– Ҳа, бериладиган тавсияномаларнинг умумий сони ҳарбий қисмнинг рўйхатига киритилган муддатли ҳарбий хизматчилар сонининг 40 фоизидан ошмаслиги керак. Хуллас, бундай имтиёз улар орасидан ҳар томонлама пухта тайёргарликка эга бўлганларга насиб этади.

кўмондони (бирлашма командири) томонидан рағбатлантирилса 10 балл қўйилади. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири-



нинг биринчи ўринбосари – Мудофаа вазирлиги Бош штаби бошлиғи томонидан рағбатлантирилган бўлса 15 баллни қўлга киритади. Тегишли вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралари раҳбарлари томонидан рағбатлантирилган муддатли ҳарбий хизматчилар эса 20 баллга эга бўлишади. Фақат муқаддам берилган интизомий таъсир чорасини бекор қилиш балл қўйиладиган рағбатлантиришлар сирасига кирмаслигини эслатиб ўтишни истардик.

– Юқорида тест синовлари ҳақида ҳам гапирган эдингиз...

– Ҳа, ўқув дастурлари ўзлаштирилганини якуний баҳолаш учун ҳар бир ҳарбий қисмда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан тест синовлари ўтказилади. Тест саволларининг 40 таси жанговар тайёргарликка, 20 таси маънавий-маърифий тайёргарликка оид, қолган 20 таси мантиқий саволлардан иборат бўлади. Ҳар бир тўғри ечилган жанговар тай-

– Суҳбатимиздан шу нарса аён бўлаяптики, муддатли ҳарбий хизматчилар бир йил давомида хизматни шартнома асосида давом эттиришга ҳам ҳар томонлама тайёр бўлиб боришар экан. Шавкат Тоштемурович, улар шартнома бўйича хизмат ўташ истагида бўлсалар нима қилишлари керак?

– Бунинг учун улар ҳарбий хизматнинг календарь ҳисоби бўйича муддати тугашидан уч ой олдин бевосита командири (бошлиғи)га билдирги билан мурожаат қилади. Қолган тартиб-таомилларни ўзларининг командирларидан билиб олишлари мумкин. Фақат бир жиҳатга эътиборни қаратамизки, шартнома бўйича ҳарбий хизматга касбий яроқлилик кўрсаткичларининг якуний баҳолари юқори бўлган номзодлар қабул қилинади. Ўзига нисбатан жиноят иши қўзғатилган, жиноий иши судда кўрилатган, содир этган жинояти учун айблов ҳукми чиқарилган, шунинг-

дек дастлабки танлов талабларига тўғри келмаган номзодларнинг ҳужжатлари келгусида ўрганилиши рад этилади.

– Шартнома асосида хизмат қилишни истовчилар аҳоли орасида ҳам анчагина. Улар бу масалада нимага мурожаат этишлари лозим?

– Улар ўзлари яшаб турган жойдаги мудофаа ишлари бўлими ёки тегишли вазирликнинг кадр органларига ёхуд уларга бўйсунувчи ҳарбий қисмларга ариза билан мурожаат этишлари керак. Яна қандай ҳужжатлар тақдим этишлари лозимлиги уларга ариза беришлари чоғида тушунтирилади.

– Қайси ҳолларда номзод белгиланган талабларга тўғри келмайди деб ҳисобланади?

– Авваламбор, у тиббий текшириш натижаларига кўра ҳарбий хизматга яроқсиз ёки даволанишга муҳтож деб топилса. Номзод ўзининг маълумоти ва жисмоний тайёргарлик даражаси бўйича талабларга жавоб бермайди деб топилиши ҳам мумкин. Бундан ташқари, ҳарбий-касбий танлов натижаларига кўра номзод ҳарбий хизматни ўташга муносиб эмас деб топилиш ҳолатлари ҳам учраб туради.

– Кўпчиликини ҳарбий-тиббий танлов жараёнида номзодларга қандай талаблар қўйилиши қизиқтириши аниқ...

– Ушбу танлов чоғида номзоднинг интеллектуал савияси, жисмоний тайёргарлик даражаси, ҳарбий хизматни ўташга психологик тайёрлиги, фикрлаш тезлиги ва ҳарбий хизматда зарур бўладиган бошқа муҳим касбий сифатлари баҳоланади. Чунки улар хизмат даврида мураккаб техника воситаларидан фойдаланишлари, турли психологик ҳолатларни, жисмоний қийинчиликларни енгиб ўтишлари, чигал вазиятларда тезлик билан фикрлаб, тўғри қарор қабул қилишлари лозим бўлади.

– Ҳарбий соҳанинг машаққатларига қарамай, Ватан ҳимоячиси бўлишга чоғланган қизларимиз ҳам бор. Улар ҳам шартнома асосида хизмат қилиш тартиб-таомиллари билан қизиқишлари табиий ҳол.

– Ўттиз ёшгача бўлган ҳарбий хизматга мажбур аёллар зарур мутахассисликлар бўйича оддий аскарлар ва сержантлар таркиби лавозимларига қабул қилинадилар. Қоровул кўшинлари миносида оладиган бўлсак, улар алоқа, ахборот-таҳлил, молия соҳаларида муваффақиятли хизмат қилмоқда.

– Сафарбарлик чақируви резервида хизматни ўтаганлар ҳам шартнома бўйича хизмат қилишга ҳақлими?

– Албатта. Фақат бунинг учун улар ихтисослик бўйича касбий тайёргарликка эга ва ўттиз ёшдан ошмаган бўлишлари керак. Бундай номзодлар оддий аскарлар ва сержантлар таркиби лавозимларига қабул қилинадилар.

Таҳририятдан: ушбу суҳбатимизда мавзуга тааллуқли барча масалаларни ёритиб бера олганимиз йўқ, албатта. Зарурат туғилса, муштарийларимизнинг талаб-истакларига кўра мавзуга яна қайтишимиз мумкин.

Бобомурод ТОШЕВ суҳбатлашди.

Турмуш чорраҳаларида

Миродил дўстининг юбилей кечасидан анча кеч қайтди. Хотини эрининг кайфиятини кўриб ҳайрон бўлди.

– Футбол кўришга етиб келаман дегандингиз, зиёфат роса куюқ бўлдимми, дейман, – деди.

– Чой дамлагин, ёмон ўтмади, – дея ошхона томонга ўтди Миродил.

– «Реал» яна ютди, Роналду кургур иккита гол урди, – деди Рисолат эрининг кўнглини кўтариш учун.

Миродил зўр ўйинни кўра олмаганидан афсусланиб, чой хўплади. Кейин секин гап бошлади:

– Юбилей файзли ўтди, лекин охирида укаси маст бўлиб, хунар кўрсатди.

– Яхши йигит дердингиз-ку, – дея савол назари билан қаради Рисолат.

– Отамдан қолган уйда ўтирибсиз, иморат қуриб белингиз оғримасди, мероснинг ҳаммасига эга бўлдингиз, деб жанжал кўтарди.

– Бизда ҳам ана шундай жанжал бўлмаса, деб кўрқаман, – деди пиёлага чой қуярган Рисолат.

– Нега энди? – сўради Миродил унга жиддий қараб.

– Тунов куни амманникига невага йўқлов қилиб ҳамма овсинлар боргандик, сингилларингиз ҳам келишди. Амман ҳовлининг этак томонига катта ўғлига иморат солиб, ҳовлини иккига бўлиб берибдилар. Мен яхши қилибсиз, иккови ҳам бошпанами бўлибди, дедим. Гулсара овсиним эса:

«Биз ҳам ҳовлини бўлиб олишимиз керак», деди. Мен, ҳаммамизнинг уй-жойимиз бор-ку, ҳовли кенжа ўғилга қолган, дедим. Гуласал бўлса, бурни жийриб: «Биз катакдайдомда яшаймиз, кенжа овсин катта ҳовлида яйрапти», деди. Наргизахон: «Ҳовлини қандай бўласизлар, ярмида иморат, ярмида ҳаммом, кўйхона, хашахона бўлса», деди. Нафисахон бўлса, тап тортмай: «Ҳовлини сотиб, пулини бўлишиб оламиз», деди. Амман намоз ўқиб чиқаётганларини кўриб, бўлди бу гапга нуқта қўйинглар, дедим.

Миродил хотинининг гапидан кейин ўйлиниб қолди. Хаёлига дўстининг уйидаги жанжал келди.

– Дадамлардан Миробидга васиятнома ёздириб олмасак бўлмайди шекилли, – деди Рисолат яна секингина. – Икки овсинининг важоҳатидан жанжал кўтаридиганга ўхшайди.

– Биласан, дадам ойимнинг вафотидан кейин инжиқ бўлиб қолганлар, – деди Миродил бошини қашиб. – Тўғри гапга ҳам жаззакилик қилиб, хафа бўлиб қоладилар. Васиятнома ёзиб беринг деса-сам нима бўлишини биласанми, ўзи?

– Бўлмаса укаларингизни чақириб айтиб қўйинг, хотинларининг оғзини ёпсин, – деди Рисолат.

Эр-хотин яна биров маслаҳатлашган бўлиб, дам олишга кириб кетишди...

Мирҳайдар ота билан Меҳринисо ая олти фарзанд кўришди.

Ўғиллари Миродил, Мирвоҳид, Мирваҳоб, Миробидни уйлантириб, қизлари Наргиза, Нафисани турмушга бериб, не-вара-чеваралар кўришди. Миродилга ишхонасидан уй берилди, Мирвоҳид билан Мирваҳобга уй сотиб олиб бериб, алоҳида қилиб чиқаришди. Ҳовлида эса кенжа ўғил Миробид қолди. Келинларни ўғилларининг ўзлари топди, кўнгили кўйганига уйлантиришди. Қизлари ҳам яхши хонадонларга келин бўлган. Илгари чолу кампир ўғилларининг уйига бориб туришарди. Меҳринисо ая вафот этгач, Мирҳайдар ота ҳовлисидан бошқа ёққа чиқмай қўйди.

Орадан ўн кунлар ўтиб, Мирҳайдар ота оғриб қолди. Касалхонага боришга кўнмай, дори-дармонингн шу ерга олиб кел, деб туриб олди. Кенжа келин ҳамшира бўлгани учун ишдан таътилга чиқиб, отага ўзи қарайдиган бўлди. Ўғил қизлар тез-тез келиб туришар, Мирҳайдар отанинг сингилси Санобар ая ҳам шу ерда эди.

Беморга шифокорлар муолажаси наф бермай, кундан-кунга ҳолсизланиб борарди. Санобар ая жиянларини чақириб:

– Акамни энди дўхтирларга кўрсатишнинг фойдаси йўқ, дори бериб, укол қилиб қийнайвермайлик, у ёғи Яратгандан, иложимиз йўқ, – дея кўзига ёш олди...

Отанинг маъракалари ўтгач, яна мерос масаласи асосий мавзу бўлиб қолди. Миродил укаларини чақириб танбех берди-да:

– Дадам ҳар бири-мизни уйли-жойли қилдилар. Ота мерос

ҳовли кенжа ўғилники бўлади, келинлар майда-чуйда гапларни йиғиштирсин, – деди қатъий.

Лекин укалар хотинларининг оғзини ёполмасди. Эрларини авраб бошини айлантирган аёллар нуқул ўзининг гапини маъқулларди. Бу гапдан хабар топган Мирвоҳиднинг қайнонаси қизининг ёнини олиб:

– Ота-онадан қолган мерос фарзандлар ўртасида тенг тақсимланиши керак, бўшашмай қаттиқ туринг, қачонгача шалдирик «Машинада» юрасиз. Меросдан теккан пулга тузукроқ машина олиб минасиз, – деди.

Мирваҳобнинг қайна-таси эса уялмай-нетмай Миродилга кўнгирик қилиб:

– Ҳовлини сотиб, пу-

– Ҳа-я бизга ўхшаб катакдайд уйда яшаганингизда билардингиз, – дея унга кўшилди Гуласал.

– Бир иложини қилиб улушимизни тўлагин. Ҳовли сенда қолаверади, – деди Мирваҳоб мураса оҳангидан.

Миробид янгаларининг важоҳатини кўриб, жанжал бўлишини сезди. Акаларига қараб ачиниб кетди.

– Майли, дадамнинг йилини ўтказиб олай, кейин бир иложини қиламан, – деди.

Акаларини кузатар экан, ўртадаги гапни Миродил акам эшитмасинлар, деб тайинлади.

– Акам шундоқ ҳам сиқилантилар, яна уларнинг нима учун келганини билсалар қон босимлари кўтарилиб кетади, – деди Миробид

Онам икковимиз лой қориш учун ҳовуздан сув ташиб келардик. Иморатнинг гишталарини ҳам акамнинг ўзлари тергандилар. Иморатнинг усти ёпилгунча куз келиб қолганди. Ёгингарчиликка қолмасин деб дадам билан акам кечкурунлари ҳам ишлашган. Қийинчилик кўрмай тайёр уйда яшадиларинг. Агар ҳовлини сотсаларинг ота-она-мизнинг арвоҳи чирқирайди.

– Ошхонанинг ёнидаги икки хонани Мирвоҳид акам қурдирган эканлар-ку, – деди Гулсара кўзини чақчайтириб.

– Мен келин бўлиб тушган йилым томдан чакка ўта бошлаганда Мирваҳоб акам ҳамма шиферларни янгиландилар, – деди Гуласал лабини буриб.

Келинларнинг бетгачопарлигидан хижолат бўлган Миродил аммасини юпатиб:

– Хафа бўлманг, амма, бу шунчаки гап, уйни ҳеч ким сотаётгани йўқ. Ўзимиз келишиб оламиз, – деди.

Санобар ая келинларнинг гапини эшитмаганга олиб:

– Ҳамманглар уйли-жойлисизлар. Бундоқ меҳроқибатли бўлинглар. Бошпанасиз одамлар ҳам бор. Ўтганларнинг руҳини безовта қилиш Яратганга хуш келмайди, – деди.

Амманнинг гапи кимгадир ёқди, кимдир эса энсасини қотирди.

Отанинг йил маъракаси ўтган куннинг эртасигаёқ Гулсара Миробидга кўнгирик қилиб, Мирвоҳиднинг шартини эслатиб қўйди.

Аммасининг гаплари кор қилмаганини сезган Миробид Миродилнинг олдида борди.

– Ҳовлини сота қолайлик, кеннойиларим барибир акаларимни тинч қўймайди. Икковига ҳам қийин бўлапти. Сизнинг юзингиздан ўтолмайди, хотинига бас келолмайди.

– Овсинларимни гижижлаётган Гулсаранинг онаси, – деди Рисолат.

– Кичкина қизини узатмоқчи экан. Мирвоҳидга хорижнинг мебели олиб берасиз деб, шарт қўйибди. Гуласалнинг отаси ҳам ҳовлига халодор топиб, фойдаланиб қолмоқчи.

Миродилнинг боши қотиб қолди. Укаларининг улушини бериб юборай деса, баҳорда

қиз узатган, кичигига совчи келиб турибди. Миробиднинг топиш-тутиши маълум. У ёқда келинлар укаларини чаёндай чақиб турибди.

– Ука, майли арвоҳлар ҳам буни тушунар, харидорни ўзим топаман, лекин ҳеч кимга айтмай тур, – деди чой хўплаб.

Эртасига Миродил қабристонга бориб, отонасидан розилик сўради, укаларининг аҳволи шунга мажбур қилаётганини айтди. Кейин енгил тортгандай бўлиб қайтди.

Орадан ўн кунлар ўтиб, Миродил ука-сингилларини ҳовлига чақирди. Ҳамма йиғилгач, муддаого ўтди.

– Ҳовлини сотдик, – деди укаларига қараб. – Қоида бўйича мерос фарзандларга тенг бўлиниши керак. Лекин Миробиднинг бошпанаси йўқ. Пулнинг катта қисмини, яъни уч хонали уйга етарлисини Миробидга берамиз. Қолганини бешга бўламиз.

Бу гапдан Мирвоҳид ва Мирваҳоб ўзини айбдор ҳис этиб, бошини куйи солди. Наргиза кўзига ёш олди. Нафиса ичида суюнса-да ўзини норози кўрсатишга уринди. Рисолат билан кенжа келин кўз ёшини яшириш учун ўрнидан туриб кетди. Гулсара билан Гуласал «боладикми» дегандай кулимсираб бир-бирига қараб қўйди.

Миродил бошқа гап йўқ дегандай ўрнидан турди ва сумкага жойланган пулларни тақсимлаб берди. Уйнинг кимга сотилганини сўрашга ҳеч ким ботинолмади.

Мирвоҳид машинасидан бораркан, ота ҳовли энди унга бегона эканлигини ҳис этиб, маънос тортди. Гулсара бўлса, телефонда онасидан суюнчи олишга ошиқарди.

– Жуда яхши бўлибди, – деди онаси. – Энди мебелнинг зўрига буюртма бераверсак бўларкан, тўйга ҳам яқин қолди.

– Вой, шошмай туринг, биз аввал «Ласетти» олайлик, ортса ме-белга берамиз, – деди Гулсара ҳовлиқиб. Уларнинг сўхбатини эшитган Мирвоҳид чуқур хўрсиниб қўйди.

Гуласалдан янгилек эшитган отаси бир йил аввал чет элга ишлашга кетиб, қарз бўлиб, уйга қайтолмай саргардон юрган ўғлини олиб келишга пул ундириш учун Мирваҳобнинг уйига йўл олди.

(Давоми бор).

Садриддин ШАМСИДДИНОВ.

Оқибат



лини тақсимлаб олинглар, мен харидор топаман, – деди.

Жаҳли чиққан Миродил:

– Бизнинг оила билан ишингиз бўлмасин, ҳовли масаласини ўзимиз ҳал қиламиз, – дея телефонини ўчириб қўйди.

Орадан ўн кунлар ўтиб, Мирвоҳид, Мирваҳоб ва келинлар ота ҳовлига келиб, укасини ўртага олишди.

– Ука, бу ҳовлида бизнинг ҳам ҳаққимиз бор. Уй сенинг номингда, уни сотгин демаямиз, лекин ҳовлини нархлаб, бизнинг улушимизни ёнингдан тўла, – дейишди Мирвоҳидга.

– Вой, биз бунча пулни қаердан оламиз, уканинг ўқитувчи, мен ҳамшираман, топганимиз рўзгордан ортмаяпти, – деди кенжа келин ҳайрон бўлиб.

– Ҳой овсин, каттақон ҳовлида яйраб яшайсиз, – дея қошини чиқарди Гулсара.

Танлов

ҲАЗИЛ-МУТОЙИБАГА НИМА ЕТСИН

Ҳазил-мутойибани ҳамма севса керак. Киши эгнига осойишталик посбони ёки ҳарбий хизматчи либосини кийса, бу юмордан бутунлай узоқлашади дегани эмас. Андижон вилояти драма ва комедия театрида бўлиб ўтган тадбир буни исботлади. Унда сахнага чиққан ички ишлар идоралари ходимлари ҳамда ҳарбийлар кувноқлик ва зукколик бобида ўзаро баҳслашишди. Жамоаларнинг чиқишларини ҳайъат аъзолари холислик билан баҳолаб боришди. Танаффус пайтида эса вилоят маданият саройи артистлари ўз санъатларини намойиш этишди.



Қизгин кечган баҳслар якунига кўра вилоят ИИБ вакилларида иборат «Мардлар» жамоаси ғолиб деб топилди. Ғолиблар ва совриндорларга дипломлар, қимматбаҳо совғалар топширилди.

– Ушбу тадбирдан кўзланган мақсад осойишталик посбонлари ва Ватан ҳимоячиларининг халқ орасидаги обрў-эътиборини янада ошириш, ҳодимларнинг бадиий иқтидорини юзга чиқаришдан иборат, – дейди вилоят ИИБ ШТБХ бошлиғининг ўринбосари, майор Исомиддин Исманов. – Қолаверса, ҳазил-мутойиба шахсий таркибга турли ташвишларга бошқача назар ташлашларига ёрдам беради, уларнинг кайфиятини кўтаради, маънавий дунёсини бойитади.

Дарҳақиқат шундай. Инсон юмор кўмагида қанчалаб қийинчиликларни енгиб ўтади, ҳаётдаги кўплаб камчиликларни тузатади.

Борис КЛЕЙМАН.
Андижон вилояти.

Суратда: кувноқлар ва зукколар танлови ғолиби, Андижон вилояти ИИБнинг «Мардлар» жамоаси.

Фуқаролар диққатига!

ФИРИБГАРЛАРДАН
ЖАБРАНГАНЛАР БОРМИ?

Фирибгарлик жинояти содир этиб, қўлга олинган қуйидаги шахслар иши юзасидан Ўзбекистон Республикаси ИИБ Тергов бош бошқармаси томонидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда. Улар ўнлаб фуқароларнинг ишончига кириб, Тошкент шаҳрининг Сергели туманидаги автосалондан хоҳлаган русумдаги автомашинани навбатсиз ва ўз нархида олиб беришни ваъда қилиб, миллионлаб сўм пулларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритганлар. Қуйида суратлари эълон қилинаётган шахсларнинг алдовига учиб, жабр кўрганлардан Ўзбекистон Республикаси ИИБ Тергов бош бошқармасига қуйидаги телефонлар орқали мурожаат этишларини сўраймиз: (0-371) 231-30-97, 233-65-34.



Ўроқов Санжар Нурмуротович. 1991 йилда Навоий вилоятида туғилган, вақтинча Тошкент шаҳар Юнусобод туманида яшаган.

Тойиров Ойбек Истамович. 1991 йилда Навоий вилоятида туғилган, вақтинча Тошкент шаҳар Юнусобод туманида яшаган.



Тойиров Улуғбек Истамович. 1990 йилда Навоий вилоятида туғилган, вақтинча Тошкент шаҳар Юнусобод туманида яшаган.

Эшпўлатов Зиёдилла Баратович. 1983 йилда Навоий вилоятида туғилган, Тошкент шаҳар Юнусобод туманида яшаган.



Нормуродов Сухроб Нормуродович. 1974 йилда Самарқанд вилоятида туғилган, Тошкент шаҳар Юнусобод туманида яшаган.

Спорт *** Спорт *** Спорт *** Спорт *** Спорт *** Спорт *** Спорт

ВАКИЛЛАРИМИЗ КУЧЛИ УЧЛИҚДА

Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 23 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан жойларда турли маданий-маърифий тадбирлар ҳамда спорт мусобақалари ўтказилди.

Республикамиздаги ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ўртасида спортнинг бадминтон тури бўйича бўлиб ўтган мусобақа ҳам ушбу санага бағишланди. Унда Ички ишлар вазирлиги жамоаси ҳам муносиб иштирок этди. Қизгин ва мурасасиз баҳслар натижасида аёллар жуфтлиги бўйича ИИБ ШТБХ катта инспектори, подполковник Гулбаҳор Амердинова ҳамда Миробод тумани ИИБ ЁХБ инспектори, кичик сержант Адиба Умрзакова фахрли ик-

кинчи ўринни қўлга киритди. Умумий жуфтликда эса подполковник Гулбаҳор Амердинова ҳамда ИИБ ППХ ва ЖТСББ алоҳида милиция батальони милиционери, сержант Равшан Султонов иккинчи ўрин соҳиби бўлди.

Умумжамоа ҳисобида якуний натижалар бўйича биринчи ўрин Мудофаа вазирлигига насиб этди. Давлат божхона қўмитаси иккинчи, ИИБ жамоаси вакиллари эса учинчи ўринни эгаллади.

Ўз мухбиримиз.

Спорт билан шуғулланиш ҳар бир киши учун кони фойда. Ички ишлар идораларида мини-футбол бўйича ўтказилган мусобақа таассуротлари ҳам буни тасдиқлайди. Ҳар йили анъана тусига кирган мини-футбол мусобақасида 18 та жамоа иштирок этди. Ўз гуруҳларида биринчи ўринни эгаллаган тўртта, яъни Хоразм вилояти ИИБ аппарати, вилоят ИИБ хузуридаги кўриқлаш бошқармаси, вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ ҳамда тергов ҳибсхонаси термина жамоалари финал баҳсларида ўзаро беллашди.

Кескин ва мурасасиз баҳслар якунига кўра, вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ жамоаси биринчи, вило-

МИНИ-ФУТБОЛ ҒОЛИБЛАРИ



ят ИИБ хузуридаги кўриқлаш бошқармаси спортчилари иккинчи, вилоят ИИБ аппарати вакиллари эса учинчи ўринни эгаллади. Шунингдек, «Энг яхши дарвозабон», «Энг яхши ҳимоячи», «Энг яхши ҳужумчи», «Энг кўп тўпурар» номинацияси бўйича ҳам ғолиблар

аниқланиб, улар вилоят «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг дипломи ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

М. АБДУЛЛАЕВ,
майор.
сафдор С. АБДУЛЛАЕВ
олган сурат.
Хоразм вилояти.

МАЙДОНДА
ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ
ХОДИМЛАРИ

Жиззах вилоятидаги «Динамо» ўйингоҳида мини-футбол бўйича мусобақа бўлиб ўтди.

Унда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларидан ташкил топган 21 та жамоа ўзаро куч синашди. Қизиқarli ва шиддатли кечган мусобақа якунларига кўра, вилоят «Динамо» жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди. Вилоят ИИБ Алоҳида вазибаларни бажарувчи сафарбар отряди ва Зарбдор тумани ИИБ жамоалари иккинчи ҳамда учинчи ўринларни эгаллади.

Ғолибларга вилоят ИИБнинг дипломи ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

К. ХАЙДАРОВ,
катта лейтенант.

АВБСО ЖАМОАСИ – ҒОЛИБ

Фарғонада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари ўртасида жанговар қуролдан ўқ отиш бўйича вилоят биринчилиги ўтказилди.

Юқори савияда ташкил этилган ва кескин курашлар остида ўтган беллашувларда иштирокчилар юқори маҳоратга эга эканликларини кўрсатишди: қуролни тўлиқсиз қисмларга ажратиш ва йиғиш бўйича вилоят ИИБ ходими, лейтенант Муроджон Турсуновга тенг келадигани топилмади. Иккинчи ўринни вилоят ИИБ АВБСО ходими,

сержант Азимжон Абдумутов, учинчи ўринни ИИБ ШТБХга бевосита бўйсунувчи Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малака ошириш Фарғона шаҳар маркази ходими, капитан Ҳикматулло Бўтабоев эгаллади.

Жанговар қуролдан ўқ отиш бўйича вилоят ИИБ АВБСО ходими, сержант Дилшод Эралиев ғолиб

бўлди. Иккинчи ўрин ҳам шу хизмат ходими, сержант Азизбек Мирзаалиевга, учинчи ўрин эса тергов ҳибсхонаси ходими, майор Фуломжон Ғопоровга насиб этди.

Умумжамоа ҳисобида вилоят ИИБ АВБСО жамоаси биринчи, вилоят ИИБ жамоаси иккинчи, тергов ҳибсхонаси вакиллари учинчи ўринга лойиқ деб топилди.

Ғолиблар «Динамо» ЖТСЖнинг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Асрорбек МАДРАХИМОВ,
сержант.
Фарғона вилояти.

Соҳамиз маликалари

КАСБИНИ АРДОҚЛАГАН КАМ БЎЛМАС

Вилоятнинг чекка ҳудудларидан бўлган Китоб туманининг сўлим Гулбоғ қишлоғида яшовчи Сайфиддин Зайниддинов ҳамда турмуш ўртоғи Фариди Ҳайитова бутун умрини ёш авлод таълим-тарбиясига бағишлаган фидойи инсонлар. Бу ибратли оилада туғилиб, тарбия топган беш нафар фарзанднинг барчаси ўқиб, олий маълумот олишди. Бугунги кунда улар юрт тинчлиги, эл фаровонлиги, Ватан тараққиёти йўлида хизмат қилишмоқда. Бунда ота-оналарининг тутган ўрни катта, албатта.



Шаҳодат хизмат фаолиятини бошлагандан буён ўз соҳасининг кўплаб билимдонларидан сабоқ олди. Айниқса, полковник Пардахол Эрқуловага хурмати баланд. Шу боисдан ўзи ҳам устозига ўхшашни орзу қилади.

оид адабиётларни ўқиб боради, қонунчиликка киритилаётган янгиликлар билан танишишни ҳеч қанда қилмайди. Кундалик нашрлар ҳам унинг зийрак нигоҳидан четда қолмайди. Детектив асарлар мутолааси эса жону дили.

Қарши шаҳар ИИБ тергов бўлими терговчиси, капитан Шаҳодат Зайниддинова ана шу зиёли оила фарзанди. У умумтаълим мактабини муваффақиятли тугатгач, ИИБ Академиясига ўқишга кирди. Ўқиш жараёнида танлаган соҳасининг малакали мутахассиси бўлиш учун амалий ва назарий билимларни пухта

эгаллашга астойдил ҳаракат қилди. Устозларидан сабоқларни жонқулоғи билан тинглади. Тушунмаганларини сўраб, билиб олишни ўзига одат қилди. Энг интилувчан, билимдон тингловчилар сафидан ўрин олиб, тўртинчи босқичда «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири стипендианти» Фахрий

ёрлиғига сазовор бўлди. Кувонарлиси, ИИБ Академиясини имтиёзли диплом билан тамомлади. Дастлабки фаолиятини Яқкабоғ тумани ИИБ тергов бўлимида бошлаган Шаҳодат кейинроқ хизматни Қарши шаҳрида давом эттирадиган бўлди. Бу орада Нишон тумани ИИБ ЖҚ ва УЖҚБ тезкор вакили лавозимида

хизмат қилаётган Жавлон Бахриевга турмушга чиқди. Ҳамкасб бўлганликлари туфайли уларнинг бир-бирини яхши тушуниши оилада аҳилликни мустаҳкамлади. Меҳрибон ота-она сифатида жажжи фарзандлари Жонибек ва Фирдавсининг тарбиясига ҳам катта эътибор қаратишди.

— Капитан Шаҳодат Зайниддинова ўз ишининг устаси, — дейди унинг устозларидан бири, подполковник Муҳиддин Норқобилов. — Касбини ардоқлагани, қолаверса, етарли тажрибага эгалиги боис берилган топшириқни ўз вақтида ва сифатли қилиб уddалайди. Синчковлик, ҳар бир ҳолатга масъулият билан ёшдашиши унинг энг яхши хислатларидан биридир. Дарвоқе, Шаҳодат доимий равишда соҳага

— Ички ишлар идораларида хизмат қилишининг ўзига хос машаққатли томонлари бор, — дейди лавҳамиз қаҳрамони. — Шунга қарамай, касбимни жуда яхши кўраман. Усиз ҳаётимни тасаввур қила олмайман. Эл-юрт осойишталиги йўлида хизмат қилишни энг олий бурчим, деб биламан. Зеро, касбим ортидан хурмат-эътибор топдим, эҳтиром кўрдим. Бу — менинг бахтим!

Соҳибжамол АМИНОВА.
Қашқадарё вилояти.

ҲАЁТ САБОҚЛАРИ

- Уй жаннат бўлсаям, унинг бекаси кулиб турмаса, дўзахдан фарқи йўқ.
- Рашк олови гугурт чақнашидан эмас, яхши ва ёмон ҳаёл тўқнашувидан ёнади.
- Бўлмагур фикр билан бир ишга қўл уриш ифлос супурги билан уйни тозалашга ўхшайди.
- Виждон куйи чалинганда виждонсизлар йиғлаб қўшиқ айтади.

- Кулмасдан ўйнаётган киши ўрмалаб келаётган илонга ўхшайди.
- Болаларнинг қилиқларига кулиш ҳам катталарнинг ишларига йиғлаш каби оғир бўлганда ёшликда беғам уйқу, қарликда эса ташвишли уйқусизлик бўлмасди.
- Номардлардан хафа бўлмаслик ҳам мардликнинг битта белгиси.

Шухрат РЎЗИЕВ,
подполковник.

ФИКРЛАРИНГИЗ БИЗ УЧУН МУҲИМ

Ҳурматли муштарийлар!
«Postda» газетаси — бу сизнинг минбарингиз. Унинг қанчалик оммабоп бўлиши, саҳифалари ранг-баранг материаллар билан бойиши сиз, муштарийларга ҳам боғлиқ. Шундай экан:
— Газетамизнинг дизайни бўйича қандай фикрдасиз?


— Қайси саҳифа ёки рукнларда берилаётган материаллар сизга манзур бўлаяпти?
— Чоп этилаётган материалларнинг қайси жиҳатларига эътирозингиз бор?
— Газета саҳифаларидан яна қандай мавзуларда материаллар ўқишни истайсиз?

— Республикамиздаги таниқли кишилардан қайсилари билан суҳбатлар ташкил этишимизни хоҳлайсиз?
— Газета мазмун-мундарижасини бойитиш бўйича яна қандай таклифларингиз бор?
Ушбу саволларга жавобларингизни почта, электрон мактуб ёки телефон орқали юборишингиз мумкин.
Сизнинг ҳар бир фикрингиз биз учун муҳим аҳамиятга эга.

Мурожаат учун таҳририят манзили: **Тошкент шаҳри, 100070. Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй.**
Электрон почта: **postda@evo.uz**
Телефон рақамлари: **(0-371) 231-48-41, 231-33-88.**



КРОССВОРД



- Энига:** 7. Чирмашиб ўсувчи гул. 11. Идиш, рўзғор буюми. 14. Мамурий ҳудуд. 15. Ўзбек фольклоршунос олими. 16. Ишқорий металл. 17. Телеграф қурилмаси ва ёзуви ихтирочиси. 21. Пойтахтимизнинг кўҳна дарвозаларидан бири. 22. Ҳажвий асар. 23. Буюк, улкан. 27. Темир йўл вағони хизматчиси.
- Бўйига:** 3. Жун газлама тури. 4. Ҳўл мева. 8. Олди очиқ бино. 9. Механик зина. 10. Ҳаво оқими асосида ҳаракатланувчи учиш қурилмалари техникаси соҳаси. 12. Неон лампалари ишлаб чиқаришда ишлатилган ишқорий металл. 13. Тўпли спорт ўйини тури. 19. Шамсия йили ҳисобидаги учинчи ой. 24. Ўрта-ер денгизда жойлашган Греция таркибига кирувчи орол. 25. Жанубий Америкадаги давлат.
- Ёйлар бўйича:** 2. Теннис майдони. 5. Болтиқ бўйи ҳудудида яшган халққа мансуб миллат. 26. Шифобахш ширинлик. 30. Чин, ҳақиқат.
- Бўйига ва ёйлар энига:** 1. Кўприксимон қурилган йўл иншооти. 6. Гул. 18. Штабда маълум вазифаларни бажарувчи ҳарбий хизматчи. 20. Олма нави.
- Энига ва ёйлар бўйича:** 1. Отлиқ аскарлар бўлинмаси. 6. Кумушсимон металл. 28. Самода муаллақ тура оладиган учиш воситаси. 29. Атоқли шоир Расул Ҳамзатов ватани.

Ҳусан ОРИПОВ тузди.

<p>О‘ЗBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI</p> <p>MUASSIS: О‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI</p>	<p>Bosh muharrir o‘rinbosari – Qobiljon SHOKIROV</p> <p>Mas‘ul kotib – Rahmatilla BERDIYEV</p> <p>Navbatchi – Sherzod ABDUSAMADOV</p> <p>Sahifalovchi – Zokir BOLTAYEV</p> <p>Matn ko‘chiruvchi – Gulnora SODIQOVA</p>	<p>TELEFONLAR: 231-33-88; Faks: 255-31-39.</p> <p>ISSN 2010-5355</p>	<p>Tahririyat hisob raqami: 20210000900447980001, MFO 00420. ATIB «Ipotekabank» Mirobod tuman bo‘limi. INN 200637499.</p>	<p>Tahririyatga kelgan qo‘lyozma va suratlar egasiga qaytarilmaydi. Nashrimizdan ko‘chirib bosilganda «Postda»dan olinganligi ko‘rsatilishi shart.</p> <p>«O‘zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Alisher Navoiy ko‘chasi 30-uy.</p>	<p>Gazeta haftaning shanba kuni chiqadi.</p> <p>Gazeta O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2007-yil 11-yanvarda 0120-raqam bilan ro‘yxatga olingan. Buyurtma №S-1939. Bosilish – ofset usulida. Hajmi – 4 bosma taboq. 69643 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda – 180. Tashkilotlar uchun – 366. Bosishga topshirish vaqti – 22.00. ЎзА якуни – 22.22. Bahosi kelishilgan narxda.</p> <p>MANZILIMIZ: 100070, Toshkent, Shota Rustaveli 1-berk ko‘chasi, 1-uy.</p>
----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	--------------------------------------------------------------------------------------------	---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------